

Дустлик кутубхонаси

ГЕВОРГ ЭМИН  
ЙИГИРМАНЧИ АСР

СССР  
халқлари  
шеърияти



Тошкент

---

1985

12/VI 04-802 3/II 04-134 5/III 05.  
 21/VI ~~888~~ ВОЗВРАТИТЕ КНИГУ НЕ ПОЗЖЕ  
 обозначенного здесь срока 22/V 05-100

27/IX	93-750	14/IX	2000-157
8/IX	93-1209	28/IX	00361
14/IX	93-1010	14/III	02-52
17/IX	93-437	12/II 04-	310
20/XI	94-504	16/II 04-	194
25/IX	96-305	30/IV 04-	752
	98-234	14/V 04-	64
	98-284	22/V 04-	315

Геворг Эмин

Йигирманчи аср

Шеърлар

---

ТОШКЕНТ



Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1985

С (Арм)

Э 55

Редколлегия

Улмас Умарбеков (редколлегия раҳбари), Зулфия,  
Уйғун, Комил Яшин, Асқад Мухтор, Туроб Тула, Эркин  
Воҳидов, Абдулла Орипов, Борис Пармузин, Озод  
Шарафиддинов, Уткир Ҳошимов.

Тўловчи  
Азим Суюн

Э 4702080200—207 99—85  
М 352 (04)—85

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-  
риёти, 1985 й. (Тарж.)

## АШТАРАКДАН ЧИҚҚАН ШОИР

Аштарак — Арманистондаги жуда кўп тоғли қишлоқлардан бири. Гарчаид у кўҳна бўлса ҳам, авваллари унинг номини ҳатто Арманистоннинг ўзида ҳам кам одам биларди. Бугун — Аштарак бўйи-бастига хос (Аштарак — минора дегани), бутун Арманистонга машҳур қишлоқ. Сабаби жўн ва содда: унинг фарзандларидан бири шоир бўлиб етишди, шоир бўлганда ҳам улкан мамлакатимизга машҳур, қалами ўткир, каломи кескир шоир бўлиб танилди. Бу Геворг Эминдир.

Ёдимда бор, республикамизда бўлиб ўтган адабиёт байрамларидан бирида Геворг Эмин ҳам қатнашган эди. Ўзбек-классик шеъриятидан яхши хабардор дўстимиз, бир даврада ўзбек дўстларига қарата гапириб: «Навойи ва Бобурлар калам сурган шеъриятда шоир бўлиш жуда мушкул-да», деган эди ҳақиқ аралани. Бу гапни Геворг Эминнинг ўзига ҳам тadbик эйтиш мумкин. Григор Нарекаци, Ованес Туманян, Аветик Исаакян, Егши Чаренд сингари шоирлар илҳомидан парварини топган арман шеъриятида ҳам шоир бўлиш осон эмас. Геворг Эмин шоир бўлди, у бу қутлуг номни ўзининг ёрқин пажоди билан, шеиропа ҳомиржавоблиги билан оқлай олди ва оқламоқда.

Геворг Эмин (асл исми ва фамилияси Карлен Григорьевич Мураян) 1919 йилда ўқитувчи оиласида тугилди. 1935 йилдан бошлаб шеърлари билан матбуотда кўрича бошлади. Унинг ilk шеърлар китоби — «Сўқмоқ олдида» 1940 йили нашр этилди.

Улуг Ватан уруши жабҳаларида жанг қилган шоирнинг ижодида кейинчалик тинчлик учун кураш ва гражданлик туйғулари билан йўғрилган шеърлар асосий ўринни эгаллай бошлади. Ана шундай асарлардан ташкил топган «Янги йўл» номли шеърлар китоби 1951 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

1976 йилда шоирнинг «Аср, Замни, Мухаббат» тўплами иккинчи марта СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. У ўзининг она қишлоғи ҳақида ёзар экан, шу кичкина қишлоқни бепоя Ватанининг бир парчаси сифатида талқин этади. Шоир — ўз халқининг овози, унинг орзу-ўйларини, нияту армонларини ифода этадиган тошқин қалб эгаси. Шу ваздан ҳам у халқнинг ҳаётига, ўтмишига ва келажагига бирдай меҳр билан қарайди, унинг турмушида бўлган ҳар бир ўзга-

ришга ўзини жавобгар сезади. Унинг шеърларида Тер ал-Зор деган ибора кўп учрайди. Маълумки, 1915 йилда пантуркист реакционерлар юз миглаб арманларни Суриядаги Тер ал-Зор саҳросига ҳайдаб қатл қилган эдилар... Бегуноҳ ватандошларнинг оҳ-зори ҳали ҳануз шоирнинг дил қулоғида жаранг бериб туради. Тер ал Зор шоир учун Освенцим, Хиросима янглиғ бир тушунчага айлангандир, бу сўзлар синонимлардай жаранглайди.

Геворг Эмин ижодида Шарқ шеърлятига хос оҳанглар билан ғарб шеърлятига хос оҳанглар бир-бирига қоришиб кетади. Унинг газаллар усулида ёзилган шеърлари ёнида «Янги Бобил» деб аталган, сарбастда ёзилган шеърний туркуми чиройли манзара касб этади. У Шотланд шоири Роберт Бернсий ҳуш кўради, айни пайтда америка шоири Уолт Уитменга ҳам мойиллиги бор.

Аштаракдан чиққан шоирнинг ўйлари, она қишлоғидаги кўҳна Маринне осор-атиқасидан бошланиб, Франция, Америка, Испания ерларигача бориб этади, оташин инқилобчи шоир Фредерико Гарсиа Лорка ўйларига уланиб кетади. Шундай бўлмоғи керак, чунки шоир йигирманчи аср фарзанди. У бу асрнинг Тер ал-Зорлари, Освенцимлари, Хиросималари ҳақида алам билан ёзар экан, ақл-идроққа, инсон тафаккурига ишонади, йигирманчи аср ўрта асрларга айланиб қолмайди, дейди у қатъият билан.

Машҳур рус совет шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати Евгений Евтушенко ўзининг Геворг Эмин ҳақидаги мақола-сида шундай ёзади: «Гарчи Геворг Эминнинг хорижий эллар ҳақида, умуминсоний мавзуларда, бирор-бир географик чегараларга боғлиқ бўлмаган мавзуларда ёзган шеърлари кўп бўлса-да, у ҳамма жойда ҳам — энг аввало ўз халқининг — арман халқининг шоиридир».

Дарҳақиқат, шундай. Биз буни шоирнинг шеърларидагина эмас, балки шоирона тил билан ёзилган — шоирнинг прозасида — «Арманистон ҳақида етти қўшиқ» номли бадний эссесинда ҳам кўрамиз.

Геворг Эминнинг асарлари мамлакатимиз халқларининг, шунингдек, хорижий тилларга кўплаб таржима қилинган, китоблари нашр этилган.

Арман халқининг оташин шоири Геворг Эминнинг ўзбек тилида нашр этилаётган ушбу китоби шеърхонларимизга яхши совға бўлишидан ташқари, шеърлятимизга ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган бир қардош шоирнинг ҳам оловини қўшади, деб ўйлайман.

Муҳаммад Али



\* \* \*

Истайманки, кўз юганим дам  
Булсам Севан зангор тўлқини.  
Оқшом чоғи тоғ узра туман —  
Баҳор фасли бодомнинг гули...  
Ўзим учун, узгалар учун  
Қайта бошдан ҳаёт кечирсам,  
Нафас олсам минг оҳанг, минг тур,  
Янги ниқ-ла янашни севсам.

\* \* \*

Икков учраниб бирга  
Бошлаймиз яна базм.  
Нестай, бу истак шеърда,  
Узоқдаги дилбарим!

Қурамыз ажиб давра  
Дастурхон ёзиб оппоқ;  
Қўямиз хушбуй, ниҳол  
Поэтингдан митти бутоқ;

Сўнг меннинг чексиз, ёниқ  
Изтиробим мевасин,  
Сенинг туганмас, собит  
Ишончларинг шевасин;

Менга ҳам уқтирар ими-жимиди,  
«Қаҳ-қаҳ уравсермоқ эмас хайрлик.  
Қувиноқлигини кўриб қурқаман жуда,  
Қайғу қилмасин деб яна гайирлик.

Сен бирам уқтамсан, бирам хушчақпақ,  
Чин айтсам қулгингдан қулмайди кўнглим.  
Оғир кунлардан ҳеч керакмас қўрқмоқ,  
Лекин бахтли онлар хавфлидир, углим».

Онам йўқсиллик-ла муттасил баҳса,  
Бир қашшоқ қулбада кечирди умр.  
Қўрқоқ бўлиб қолди у секин-аста,  
Худодан қўрққандай қайғудан чўчир.

Қайғудан қолмаган энди пишона,  
Қайғу — шодликларни этолмайди гарқ.  
Лекин ҳамон онам қўрқиб пишона,  
Сўзлашиб турини қилолмайди тарқ.

Мен фикр этаман онам йўригин,  
Ҳаёт қабилдан узилмоқ маҳол.  
Қуритмоқ-чун онам ғами уругин  
Буғун мен ҳам қўлга оламан қурол.

Қайғу яширинар ва утар дарҳол  
Онам юрагининг ортига маккор.  
Қандай қилсам аниқ оламан нишон,  
Онамнинг дилига етказмай озор.

### ЭҲ, БУ МАСИС.\*

Эҳ, бу Масис,  
Арманларга жон каби азиз,  
Гарчанд уни асли қаттиқ тош

---

\* Арманлар Арарат тоғини Масис деб атайдилар.

Ундан исиб, ўт бўлади ҳис,  
Ўзи совуқ, иссиғи — қуёш.

Узоқ-узоқ элларда сарсон  
Арманларни бу тоғ ҳар қачон  
Узоқлардан бағрига чорлар.  
Олис, лекин яқин ўтсимон,  
Уларнинг зор қалбида порлар.

Тоғ иккинга бўлинмиш, аммо  
Бирлашинга чорлар доимо  
Ер юзида жамъи дарбадар  
Юрдонлари арманларни, то  
Тугасин деб жудолик, кадар.

Бу тоғ удкаи севгига ухшар,  
Юракларга умрбод азиз,  
Пироқлар ҳам жон аро яшар,  
Муҳаббатдай ардоқли, лазиз,  
Эҳ, бу Масис...

\* \* \*

«Муҳаммад келмаса тоғ сари яқин,  
Муҳаммад ноғига тоғ ўзи келар».

Шарқ мақоли

Иккимиз — мен ва тоғ  
Тикилиб узоқ,  
Ингоҳ узолмаймиз бир-биримиздан.

Дейдилар, тоғлардан зўрроқмиш имон;  
Борми имонимдан бошқа зўр имон?  
У қадим жаҳоннинг тўфонисимон

Мана, бир асрки, жушади,  
Тоғни бошдан-оёқ ювиб қучади.

Эвоҳ, бундан не фойда:  
Мен уз жойимдаман,  
Тоғ уз жойида...

Уз ўрнида турар у беҳаракат,  
Чунки, у фақат тоғ — ҳисси тон фақат.  
Мен-чи?

Лаънат сенга, ҳаракатсиз  
мендаги сукут,  
сенга минг лаънат!

Бежиз аталмаган Арарат деб тоғ,  
Мен эса, Эмишман — шоирман фақат.

Юзма-юз турибмиз,  
Тикилиб узоқ  
Мен ва менинг қаршимда кўҳна тоғ,  
Қанча турарканман,  
Мен бунда яна?  
Балки, шайтон билар — тахмин этаман.  
Ахир, мен — ўлимга маҳкум бир тана,  
Бу дунёга келдим — кетаман..  
Тоғ эса,  
Наҳотки, қадрдон тоғим  
Шундай тураберар йироқда,  
Мени йўқлаб келмас фироқда?

## Д У О Й И Б А Д

(1915 й., апрель. Тер зор)

Минг лаънат ёд бўлиб кетган дуога,  
У вайрон этади имон томирин.

Минг лаънат тиз чўккаи у художуга,  
У ўз яқинининг кавлайди гўрин.

Бутхонада ёнган шамга минг лаънат,  
Ундан зулмат яна ўн чандон ортар,  
Минг лаънат дингаки, ваъда этиб жаннат,  
Мўминларни дузах қаърига тортар,

Лаънат худогаки, ўз пайғамбари  
Манглайига босар хиёнат муҳрин:  
Ҳали бўшамасдан салбдан қўллари  
Ном-ла қийнарлар ўз бандаларин...

### ТЕР-ЗОР АЖАЛ ЛАГЕРИДА\*

Дунёнинг қай ери,  
қай маъзилида,  
кучлими, кучсизми  
биронта одам  
ажалдан ё ногоҳ  
ҳалок бўлса гар,  
унга гўр қазилар — тиклапар мозор,  
ёки қўйилади биронта ёдгор...

Лекин, ким  
на қачон,  
қайси замонда  
миллион гўр қазибди битта майдонда...  
Шунча кабрларга қўймоқ учун тош  
ҳатто, тошлар юрти Арманистонда  
тош етказа олмай,  
ҳамма армонда.

---

\* Тер-зор — 1915 йилда турк мустабидлари юз минглаб арманларни тигдан ўтказган мудҳиш даштдир.

У ерда қурбонлар шунча бемиқдор.  
Оҳ, Тер-Зорда йўқдир битта ҳам ёдгор!  
Қайси тош,  
қайси бир энг улкан тамал,  
дунёдаги қайси энг буюк ҳайкал  
дашт буйлаб сочилган сонсиз-саноксиз  
қонли қабрларга бўлади тусиқ?  
Тер-Зор узи ёдгор.  
Бошқа ёдгор йўқ!

Кўзларнинг ёшидан шўрхоқдир замин,  
Дарё қон қил-қизил қилмишдир қумин,  
Янтоқлар, тиканлар — ернинг тагидан  
интиқом сингари чиқиб турибди.

Сонсиз қурбонларнинг кўзлари каби  
Кўкда милтирайди совуқ юлдузлар..  
Анов ой ўроғи —  
турк босқинчининг эгри қиличидай  
йилтирар совуқ..  
Тер-Зор узи ёдгор,  
Бошқа ёдгор йўқ!

## ДАРАХТ

Бола чоғим шохингга кўп осилардим,  
Ғураларингни узиб, шўхлик қилардим.  
Новданг сндириб, миниб мисоли тойчоқ,  
Чумчуқ тухумларин ҳам қўймасдим у чоқ.

Йигит булган чоғимда танангни чишиб,  
Севгилимнинг помини қўярдим ёзиб.  
Соянгда мен ёримга дилим очганман,  
Ёки дўстларим билан шароб ичганман.

Энди эса, ергача бошим эгялиб  
Илдизингга боқаман такроп тикилиб,  
Сени тошли заминга қандай бир қудрат  
Боғламин? Шунга жавоб излайман фақат.

## О Л М А

...Менинг аҳволимни тушунарсан, дўстим?  
Шу олма —

ягона менинг шу олмам  
ранг олиб,  
қии-қизил пишмоғи учун,  
дуё, аср ва инсон қулига худди  
ардоқли совгадай тушмоғи учун  
тинимсиз урийдим, ҳаракат қилдим.

...Ниҳоят ранг кириб, қии-қизил булди,  
Лекин, сабрсизлик билан мен уни  
иккига бўлдим-у,

либимни тишлаб,  
ташвиш ва андуҳдан тош каби қотдим:  
Менинг олмам,  
менинг ягона олмам  
ичини қурт еган, фақат сиртидан  
қизил чиқди, балки... уялганидан.

...Афсуски, йўқ эди иккинчи олмам,  
боғимда — иккинчи олма дарахт ҳам...

Аҳволимни энди билдингми, дўстим?

## ЯГОНА ҚОФИЯ

Қишлоғимдир асли Аштарак,  
Наслим етти аср муштарак.

Қонимдаги зарралар дарак —  
бсрадики, элим Аштарак.

Арагац тоғ — сийнамда юрак,  
Яна қандай, хуш, исбот керак?

Қасах дарё каби шуҳ тилак,  
Фикрим эса, ундан ҳам кенграк.

Дустга очиқ мешимда жумрак,  
Энг зур шароб юрти — Аштарак.

Ишланганда толмайди кукрак,  
Гурзидан ҳам қўлим маҳкамрак.

Ҳар бир ўғлим — бир полк, Аштарак,  
Буни яхши билмоғи керак.

Улим қочар алак ва алак,  
Менга ўлим — яна туғилмак!

Ток зангини кузда ёпарлар,  
Лекин куклам яна очарлар!..

Қишлоғимдир асли Аштарак.

## Қ А Д А Ҳ

Ичайлик, косагул,  
Мен қарши эмасман...

Мен ҳам яхши одам,  
Сен ҳам яхши одам,  
У ҳам яхши одам...

Шундоқ экаи, улфат,  
Қайдан шунча кулфат,  
Шунча алам, ғурбат?..

Мен ҳам яхши ўғил,  
Сен ҳам яхши ўғил,  
У ҳам яхши ўғил...

Хуш, нега, айтишлар:  
Оналар ёш тукар,  
Оталар гам чекар?

Сог бўлинг! Сал мастман...  
Мен қарши эмасман...

Менинг уйим ҳам соз,  
Сенинг уйинг ҳам соз,  
Унинг уйи ҳам соз...

Не учун, ҳамхона,  
Одамлар бегона,  
Атроф гурбатхона?

Балки, булар бари  
Қўқдан замин сари  
Қелганлар ишлари?

Ичайлик, косагул,  
Булар ҳазил нуқул,  
Менга сўзинг маъқул...

Ичайлик, косагул...

## КОМИТАСГА

Эчмиадзин сари мумини халойиқ  
Худони ахтариб, тушганда йўлга,  
Бир сен билар эдинг беҳиштини аниқ,  
Дарвишдай йўл олиб бир манзил — элга.

## АРТИСТКА АРУС ВОСКАНЯН ТОБУТИ ТЕПАСИДА

Бизни мафтун этиб, кулмакдасан шод,  
Ёки утмакдасан нурли саҳнадан.  
Хамма роллар сенга этилмиш ижод,  
Бари ярашарди сенга дафъатан!

Бариши уйнардинг латофатли, соз,  
Баъзан туғён билац, баъзан мулойим,  
Ажалнинг ролини сенга, сарвиноз,  
Қим берди,  
Улимши сенга тутди ким?

Ҳаётда машуқа, малика,  
Тобутда марҳума ролини нега олдинг?  
Тур, Арус!

Бу ролниг ярашмас сенга!  
Сен илк бор ролигни...  
Уйнолмай қолдинг.

## ВАТАНИМГА

Агарда бўлмаса замин у номинг,  
Айт-чи, қайга учди қушиқ дафтарим,  
Қайга қўнди экан шеър кабутарим,  
Бўлмаса юртинг-у бошингда томинг.

Замин меҳри қалбда урмаганда барқ,  
Шеърый кеманг сенинг ботарди лойга,  
Олиб кетар эди бўронлар қайга,  
Бўлардинг муқаррар тўфонларда гарқ.


Қуёш деб аталса мабодо отим,  
Сенга беролмасам нур — ҳароратим  
Унда нега керак бу ном, эй-юртим!

Биз ким эдик,  
 Бу юрт нима эди?  
 Яланг тошда қолган кема эди,  
 Коса эди — күзёш лиммо-лим,  
 Ё даҳшатдан тон қотган тупроқ,  
 Мажруҳ бир қояки, фарёди янгроқ,  
 Қудратли руҳ, аммо бежисм,  
 Ноёб бир фазилат эди — бесамар,  
 Ё мард лашкарбоши, лекни белашкар,  
 Қадим харобага сиғинган кур, кар...

Биз ким эдик,  
 Бу юрт нима эди?  
 Бир дарёки на мавж, на қиргоқ,  
 Одишларда кўрнган бир тоғ,  
 Уз ерида дарбадар, полон,  
 Уз уйда бемаврид меҳмон,  
 Элисиз бир ер,  
 Ерсиз бир эл,  
 Дунё бўйлаб сочилиган маржон.

Ярим қарқулоқмиз  
 Гарчи ялғаймишди  
 Нида йироқларда,  
 Аммо юролмаймиз  
 Сўз бўлиб отилмоқ  
 Истаб,  
 Қулоқларда  
 Гувлар тарихимиз

2



20051-7492.

Биз ярим чулоқмиз, --  
Қай томонга кўрсак қадам отиб —  
Ассирия чули,  
Париж кўйигами,  
Нил бўйигами, —  
Бир оёқ  
Арарат қорларига ботиб,  
Қоламиз кетолмай,  
Манзилга етолмай,  
Шу тоғ атрофида гир-гир,  
Бенажот,  
Қисмат даврасини чизамиз, ҳайҳот...

Биз ярим ногирон, —  
Алам ёшларидан кўзимиз хира.  
Юрт гўё бир қўлли ҳунарманг эди,  
Бир қўл қуроли билан доим банд эди,  
Бу юрт армангиди урушдан сира.

Биз ярим безабон, —  
Айтолмасин дея дилда борини,  
Баён қилмасин деб ифтихорини,  
Токи куйлолмасин қувончин тугал,  
Арз этмасин дея гам гузорини,  
Тилимизни кесдилар ҳар гал.  
Хушқомад Арадек\* севамиз севсак:  
Севги хиёнатдай гўё —  
Қўрқамиз  
Янги Семирамида найраиғларидан.  
Биз оламин  
Олгу ақлимизини

---

\* Афсонага кўра, Ассирия мамлакатини Семирамида арман подшоеси Хушқомад Аранининг завооти билан соҳрламоқчи бўлади. Ватанлари раҳматига Арманistonни босиб олиш ниятида катта қўшин билан хужум қилади.

Ярми билангина эгамиз идрок.  
Иккинчи ярми қорайган,  
Қуйган  
Тақдирларнинг ғурбату аламларидан...

Бизлар — яримтамиз  
Акс тақдирда  
Француз арманлари,  
Араб ё турк арманлари-мас,  
Арманлар деб олардик исм,  
Тилинганмиз,  
Икки булинганмиз,  
Халқимизнинг рамзи — Арарат сянгари,  
Икки чўққи,  
Биз — икки қисм,  
Гувоҳ бул,  
Дарз кетган  
Тоғ,  
Халқимизнинг  
Тер-Зорда қирилган ярми, гувоҳ бул,  
Иккинчи ярми ҳам,  
яъни; сен, мен, у,  
Гувоҳ бул,  
Вақт келиб, биз бирлашамиз,  
Ягона халқ!  
Қачон булса бир кун  
Шундай бир мўъжиза бўлиши мумкин.

### 3

Ҳа, биз кичик халқмиз,  
Тоғдан юмалаган  
Чағир тошдай, ушоқмиз.  
Бироқ  
Водийларда қимирламай ётган  
Улкан қоялардан кучлироқ.

Кичкинамиз —

Тоғдан узин отган

Немесиз ва шухратсиз жилғаларсимон.

Жилғаларки, водийларда оққан

Буюк дарёларнинг қудрати пинҳон.

Ха, кичикмиз,

Ким сўради сиздан,

Сиқиб,

Бизни олмосдай

Ярқиратдингиз?!

Ким мажбур этдики,

Ҳар ердан курниган

Кўкда юлдузлардай

Тирқиратдингиз?

Бу юрт

Лусавандан Урартугача\*

Бюракаидан\*\*

қуёшга қадар.

Ҳа, кичикмиз,

Уран парчасидай:

Ки, абад тугамас,

Ёнар,

Нурланар.

## ТУРНА ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Қаиотнингда юрт кулидан губор эди

Учганингда.

Қўзларингда эл ёнидан нам бор эди

---

\* Л у с а в а н — Арманистоннинг эл навбирон шаҳри.

У р а р т у — Ассирия қўшамаларида қаламги Арманистон шундай деб аталади.

\*\* Б ю р а к и — Арағиц тоғининг Бибағрида бир қишлоқ. Жаҳонга машҳур Бюракан обсерваторияси шу ерда жойлашган.

Учганингда.

Улим билан хароба куп Ҳаястонда,  
Қайтмам, дединг,  
Уяларинг Ҳаястондай тор-мор эди  
Учганингда.

Қайда учсанг, қутилмадинг — кўрдинг арман  
Аламни.

Қайга қўнсанг, кўрдинг гариб, таҳқирланган  
Арманини.

Бирда дардга малҳам бўлдинг, бирда жавоб  
Топмадинг сен,  
Улар каби, кўрмадинг ҳеч ўз уянгдан  
Афзалини.

Қаён учсанг, уянг бўлди хонавайрон,  
Қайтиб келдинг.

Таъқиб этди сени ёнги, тийғи-камон,  
Қайтиб келдинг.

Дединг: «Гарчанд ўлим ҳақдир, ўз уйида  
Ўла қолай»,  
Оқ Арарат чуққисига боқиб гирён,  
Қайтиб келдинг.

Қайтиб, кўрдинг: жилдирайди янги канал,  
Чул урнида.

Тош бинолар қад кўтарган гулу чаман  
Экиннида.

Ўз юртига қайтгиси бор, суқли боқар  
Арарат ҳам,  
Ўчоқлардан тутун урлар, қушлар яна  
Ўз инида.

Қанотингда қувғиндилар афгонини  
Олиб келдинг.

Юрт соғинчи ва асрлар армонини  
Олиб келдинг,

Яна учдинг ёт элларга, полапонлар  
Уз юртида  
Униб-ўссин дея, ардоқлаб жонини,  
Олиб келдинг.

Юртдошларга арман ери ниҳолини  
Олиб учгил.  
Аралатнинг қори, Севан зилолини  
Олиб учгил,  
Кўзларингда кўз нуримиз, қулоғингда  
Янги куйлар,  
Она-Ватан тупроғининг мисқолини  
Олиб учгил.

Учиб ўтгил ўлкаларни, яна қайтиб  
Кел, марҳабо!  
Ғарибларни бу муқаддас юртга айтиб  
Кел, марҳабо!  
Ҳеч қолмасин йўлларингда бир интизор  
Ватангадо,  
Сени кутиб йиғламасин айтиб-айтиб,  
Кел, марҳабо!

## АРМАН ҚУВҒИНДИСИНИНГ ҚУШИҒИ

Товонимдан ёйилган бу дунёнинг йўллари,  
Мен нафас ростламаган дарахт куланкаси йўқ.  
Қалбимни сал иситган ёт ўчоқнинг куллари,  
Қисматнинг мен ёлмаган кулфат алангаси йўқ.  
Юрт тупроғини соғинди нужудим, оёқларим.  
Бегона ўтдан аёло уз юртим тутунлари.  
Ёт йўллар соғуғида жазираминг ёдладим,  
Интиқдим Севан сари, эню Арарат сари.

Гоҳ Миссури с Сена қупригига суяниб,  
Бегона дарёлариниң тўлкинига боқаман.  
Оёқларим остида қуприк кетса тебраниб,  
Она Аракс мавжида гўё, аста оқаман.

Аммо арман еридан учиб келган турналар,  
Юртдошларим сингари қувғинди бояқишлар.  
Еткизган хунук хабар юрагимни бурдалар:  
Яна жангу вайрона қасру китоб ёқишлар...

Тағни шундай бахтсизлик, машъумлик занжирида  
Юртим харобаларин соғиндим, куп ичикдим.  
Ёт йулларда дарбадар, ғурбат замҳаририда  
Эл-юрт орзуси билан мен қалбимни иситдим.

Янги Ватан қунгироғи қулоғимда бонг чалди,  
Ундан учган турналар қайтди она инига.  
Асрлик шуҳратиниң пойдевор метинига  
Тикланган Қизил Қаср осмон бўйи юксалди.

Ватаним бор, не ҳожат бу машмаша, бу ҳашам,  
Бу маънисиз сурондан қалбимда учди чироқ.  
Пўқ, қайтаман, ғарибликда подшоҳ бўлгандан ҳам  
Ўз юртингда тош ташиб, ҳужра қурган яхшироқ.

Дарбадарлик ҳассасини ташлайману кетаман,  
Ватан қунғироқлари чорлайди мен етимни.  
Эски-янги қадамжо—барин тавоф этаман,  
Арарат этагига боғлайман қисматимни.

Чорлайди дунё бўйлаб сочилган фарзандларин,  
Бу қудратли, янги сас ҳозир қалбимда ҳоқим.  
Қадимий она тупроқ чорлар жигарбандларин,  
Агар ўзим етмасам, етгуси хоки — поким.

## АРМАН ФАРЗАНДИМАН

Аралатдай қадимий, арманний фарзандиман,  
Товонимда то ҳамон Нуҳ туфонинг нами бор.  
Нуҳ ҳам кўз очиб кўрган бир юртнинг дилбандиман,  
Бобиллик босқинчи ҳам қиличимдан бўлган хор.

Тоғларим ҳар тошида бордир панжамининг изи,  
Уларни илк тарошлаш завқи ҳам насиб менга.  
Бу улканинг тупроғин қоним этиб қирмизи,  
Эҳромлар асосига қуйганман таг заминга.

Мен ушбу эҳромларда, ҳали чиқмасдан қуёш,  
Меҳробларнинг муқаллас шаъмини ёққан одам.  
У пайтда Арарат ҳам худди мендай эди ёш,  
Қайинзорга бурканган навқирон, сирли олам.

Фарзандларим қонидан униб чиққандир асли,  
Бу заминда ҳар дарахт, ҳар очилган гул-шопа.  
Бундаги ҳар тепалик — бир қаҳрамон даҳмаси,  
Бундаги ҳар битта тош — бир эҳромдан нишона.

Аралатдай қадимий арман халқим уғлиман,  
Қалқонимга урилиб минглаб шамширлар синган.  
Тоғимдай кўкси баланд ва юраги чуғлиман,  
Ҳар қандай босқинчи мардлгимга буйсунган.

Ўз изини қолдирди қалбимда ҳар бир аср,  
Фарзандларим таралиб кетдилар турт томонга.  
Дарахту ниҳолларим кесилиб кетди бир-бир,  
Аралатим бағри ҳам неча бор тўлди қонга.

Туфондан омон қолган Нуҳ кемаси мисоли  
Ҳар гал бало-қирғиндан чиқавердим омон-соғ.  
Ҳаётни қайта-қайта бошламоқ булди — толе  
Яна бинолар қурдим, яна ёқолдим чироқ.

Фарзандларим бағримга қайтдилар бир-бир яна,  
Унутиб қону кузёш билан буғилганимни,  
Яна мен узим учун яратолдим бошпана,  
Нарек\* шеъри-ла қутлаб қайта туғилганимни.

Мен — арман фарзандиман, Араратдай қадимий.  
Мен тортган дарду ғамни тоғлар кутармас, аниқ.  
Қуксимни топтамаган қай босқинчи қадами,  
Қай зуравон зулминни менадан тутибди дариг?!

Замонлар оқимда кўрганим қирғинбарот,  
Ҳаммасидан утолдим, зулмга топиб бардош.  
Кичкина бир уруғдан қайта унгандай ҳаёт,  
Қайта-қайта ҳаётни қутлаб мен кутардим бош.

Энди қурган уйимнинг тағ замини метинвор,  
Фазоси Бюракандан етгудек тўлиқ Ойга.  
Қушиғимда давримнинг садолари жарангдор,  
Асрий орзуларим ҳам тўлган ҳусну чиройга.

Мен — арманий фарзандман, қадимий —  
Араратдай.

Асрлар ўз уйидан қувилган, сурилган зот...  
Энди она-Еримни яшнатиб ҳароратдан,  
Ватан дея, бағрида бошлаган Олтин ҳаёт!

\* \* \*

Агар сенга бу дафъа  
Қулиб боқмабди тақдир,  
Булаверма кўп хафа,  
Табассум қилгай охир.

---

\* Нарек — Григор Нарекаци, улуг арман шоири. X аср.

Агар бу гал, бу дафъа  
Сатринг юрмаса равон,  
Булаверма куп хафа,  
Илхоминг ошгай давон.

Агар севгинг бу дафъа  
Этса сенга хиёнат,  
Булаверма куп хафа,  
Чида, қилгил қапоат.

Магар ҳаётинг ўзи  
Қовушмабдими, ҳайҳот,  
Бу ғоят мушкул савдо,  
Чулки таиҳодир ҳаёт!

### СОАТГА БОҚАРКАН..

Сен каттасан, тўғри, таи бердим,  
Мен кичикман, тўғри, не дердим,  
Соатнинг сен узун милсан —  
Тенг келиш-чун бир одимимга  
Қўймоғинг шарт ун икки қадам.

Аmmo сендан ўзимни бир дам  
Ажратай деб чекмагайман ғам,  
Сендан айри керакмас шараф.  
Бир даврнинг раъйига қараб,  
Хизматдамиз иккаламиз ҳам.

Мен кўрсатсам аср соатни,  
Сен минутни ўлчайсан холос,  
Қолганини ўзинг ўйлаб боқ.  
Хоҳ буюклик айлагин талаб,  
Хоҳи кўнир шон шухрат сўраб,

Фақатгина,  
асрим ҳурмати,  
Упкангни бос,  
Дустим,  
Илтимос.

## ИНГИРМАНЧИ АСР

...Иигирманчи аср.  
Чамалаб кўрсам,  
Ўзимга туюлдим  
доно ва уқтам —  
Гёте шеъри тилда,  
Бетховен дилда,  
Қоврилади тинмай  
фикрим Гегелда,  
Шундай бўлса ҳамки  
боладай шухман, —  
Чирпирак қиламан  
оламни елда.

Иигирманчи аср.  
Ўт ва зиёни  
Зиманиё горларда кашф этдим бир вақт,  
Юксак иморатлар забт этдим барвақт,  
Энди яширганча уша оловни,  
Яна горлар ичра излайман шафқат —  
Ўзимнинг шаҳдимдан қўрқаман ўзим,  
Чўгланган атомдан қўрқаман ўзим.

Иигирманчи аср.  
Неон нурлари,  
Гестапо,  
Освенцим,  
Тер-Зор даҳшатин

Тортиб,  
        титрок булган  
Нерон нурлари...  
Бу нурлари олдида  
        уз шами каби,  
Суниб кетган эди урта асрлар...  
Эл ва мамлакатлар  
        бизнинг асрда  
Икки командага бўлиниб,  
Увлаб,  
Илиққина Ерши —  
        ер куррасини  
Футбол тупи каби тепиб,  
Ҳарсиллар.

Йигирманчи аср.  
Рак касалидан  
Улаётганларнинг бошлари узра  
Брижит Бардонинг қадди куйланар.  
Муқаддас қабристон тошлари узра  
Жаз увлаб,  
Твистда борлиқ айланар.

Йигирманчи аср.  
Доно машина  
Ва Тер-Зордан тортиб Освенцимгача  
Қон ҳиди пла маст автомат — одам...  
Шу даврга мансубдир  
Бошни таҳқирлаб,  
Белни айлантириб илоҳиётга,  
«Йижил»га ёзилган чақимчилик ҳам

Йигирманчи аср.  
Асаблар тордай,  
Жигарлар зардобда,  
Юрак эса қон.

Ҳаёт сепгувчи

нур, шамол ва қордан  
Ажал ёғаётир бугун беомон.

Ғигирманчи аср.

Адолат бошин

Пачоқлаб,

вискидан бедармон булиб,

Жаллод кучоғида чузилган аср,

Ҳақиқат

радио мачтада ўлиб,

Телеантеннага осилган аср.

Ғигирманчи аср.

Занжирбанд халқлар

Озодликка чиқиб-чиқмасдан туриб,

Озодлар қайтадан қул булган аср.

Ҳамма саволларнинг жавобин бериб,

Қайтадан жумбоқдай туғилган аср.

Эй асрим,

Одамзод тафаккуридан

Ўзли ёритгани ясадинг чироқ,

Одам терисидан —

чироққа қалпоқ.

Маймуи чизиб кетган суратлар руҳи,

Маънисиз-матрасиз суҳбатлар руҳи

Сени қачош ача этаркин аҳмоқ?

Ғигирманчи аср.

Бешиклар узра

Атомнинг салласи турар

Чайқалиб,

Ёғар тобутларга

атомли ёмғир.

Ғигирма биринчи асрга,

Наҳот,

Етиб бормай туриб,  
Қулайсан охир?

Такрор ваҳшийликка сургасалар-да,  
Жаллодлар номиши тиркасалар-да,  
Сенга ишонаман,  
Асрим,

шуни бил:

Адолат,  
Саодат,  
Туганмас шафқат  
Асрим бўлиб қолгунг абадул абад,  
Бунга курашларинг, заҳматли йўлинг  
Ҳамда давр шоири —  
мана мен кафил.

\* \* \*

Йигирманчи аср,  
Дунё деган қаср,  
Ўзи нима гап,  
Бунга не сабаб?

Арасту,  
Гегель,  
Кант осмонидан,  
Юксак тафаккур гулистонидан  
Юзтубан булдинг, айтгин-чи, нега  
Бир телбавашнинг «Майн кампф»ига?

Хуш, Парфеноннинг салобатидан  
Ва Рембрандтнинг пазокатидан  
Юзтубан кетдинг, айтгин-чи, нега  
Олис аждодлар чултоқ расмига?

Қани эс-ҳушинг,  
Не учун тушдинг  
Сўзлари тўмтоқ,  
Чизгани чўлтоқ  
Чалажинилар  
Телба базмига?  
Узи нима гап,  
Бунга не сабаб,  
Йигирманчи аср,  
Дунё дегап қаср?  
Буюк Бетховен ҳаволарини  
Чангалзор ва жаз увуллашига  
алишдинг нега?  
Қирмизи либос жилоларини,  
Рицарь совутин зиёларини  
Битлиқи битник, саёқ хиппилар  
Жулдурвақаси,  
чувиллашига  
Алишдинг нега?

Қайси майнавоз  
Жабр этди сенга?

### К И М Б О Р ..

Қим бор  
Бу самовий гумбаз остида  
Ишондан қудратли,  
Ишондан ожиз,  
Айтинг?!

Қули ойга етди,  
юлдузга етди,  
Атом бўронига уролди нўхта,  
Аммо ҳануз чинни каби нозик,

Аммо ҳануз шиша каби шаффоф,  
Жиндек қўполликдан синиши мумкин  
Ва кўлкиллаб тукилгай қони...

Ижод айлади у даҳшатли бомба,  
Энди эса унинг узини  
Жажжи қўргошин уқ қила олур йўқ,  
Кўзга кўринмас «чўғ» қила олур йўқ,  
Зил ҳазил ва ё дўқ қила олур йўқ,  
Бир наҳсга ботган шўх қила олур йўқ.

Инсон ухшамайди калтакесакка,  
Қайта ўсмас думи  
шарт кесиб олсанг!  
Ҳатто чувалчангга ухшамас инсон,  
Иккига бўлсанг-да,  
ўлмас чувалчанг!

Инсон —  
Дунёда энг қудратли жонзод,  
Қулфатли жонзод,  
Қон кўлкиллаб турган  
бу нозик хилқат  
Қоронғу ғорлардан қуёшлар сари,  
Азобдан самовий қувончлар сари  
Элтгувчи йулларда  
туғоноқ бўлган,  
Ўзи ва худолар ихтиро қилган  
Жамики қурол ва ҳийлага қарши,  
Жамики макр ва фитнага қарши  
Неча асрларки,  
Қурашар,  
Тинмас...



Неча асрларки

не-не илҳом бериб,

Бу ҳаётга қалқон бўлган энг улкан гоя  
Айланиб қолмасни тор бир қолнига.

Бузинг бу тош сунани,  
Ҳайкалга ичккан бу тош шоҳсунани!

Бузинг,

Токи инсон фарзанди

Даҳо бўлса ҳам,

Нимхудо бўлса ҳам —

Тирик экан,

бир одамдек ҳаёт кечирсин,

Юқоридан, шоҳсупадан ташламасин назар

У узининг қурамларига

Ўз тенглари ичида

тенг бўлиб кўрсин умр,

Одам бўлиб яшасин

Ва ҳеч қачон... айланиб кетмасни ҳайкалга.

Ҳайкал қадр этармиди

илиқ инсон нафасин?

Парчаламоқ фарздир бу кар ва гунг шоҳсунани!

Бузинг,

Токи ҳеч кимса нағалли пошнасини

Қўёлмасин инсоннинг азиз бошига.

Агар баҳс бошланса,

Ҳибс ва қуролни

қурол қилиб олган

пошна билан эмас,

Баҳс айласин, майли,

бошлар — бошлар билан...

Омон бўлса шоҳсупа,

Қайтмасмикин ҳайкал...

## ДЕВОР

Ингирманчи аср,  
Эй, сердевор олам,  
Деворга урилар  
уз пешонанг бу дам.  
Атомлардан токи  
Ер куррасигача  
Бирн тилимланиб,  
бири булди парча,  
Сен нимтак этмаган  
қолдими ҳеч нарса?

Бир вақтлар дунёда  
буларди бир девор,  
Хитой девори деб  
ном олган улуғвор.  
Бугун қаён боқсанг,  
девор эрур қатор,  
Унда — тиконли сим,  
бунда — чегара бор,  
Дўстнинг бегонадай,  
ёринг эса — агёр.

Девор бир миллатни  
биридан ажратиб,  
Миллатни парчалар  
сув каби сачратиб.  
Кетар парчаланиб  
ҳаттоки улкалар,  
Хаттоки кучалар,  
ҳаттоки йулкалар.  
Мамлакат минг тилим,  
шаҳар пароканда,  
Қолмагай аҳиллик  
ҳатто жон ва танда,

Фикрда, виждонда,  
Орзу-ишончда ҳам...  
Пешонасин тинмай  
ура-ура одам,  
Ҳатто ўртадаги  
деворни йиққанда,  
Қўшни бир ҳибс аро  
Қураб ўзини такрор...

Қайдасан, истиқбол,  
қайдадир бор бўлсанг,  
Қай қуни айтасан  
ўз ҳукмингни ошкор?

\* \* \*

Хоҳи яхши атанг, хоҳ атанг ёмон,  
Маъқулдир менга бу мураккаб замон, —

Ҳар лаҳза жон олиб, жон тиккан асрим,  
Қуллик ва курашдан энтиккан асрим,

Зулматга қоришган тонглар зиёси,  
Эзилган ва ўлмас умид дунёси,

Дардим бор, ҳар қалай, дармони билан,  
Бахтлиман бебахтлик армони билан.

Бу телба асримнинг заҳматин аммо  
Ҳеч қандай лаззатга алишмам асло.

## Р О Я Л Ь

Рояллик бурчини у унутган эди,  
Ухшаб қолган эди оддий жавонга.  
Пўрдоқ уй ҳужаси унга қулф уриб  
Қалитин солволган эди ҳамёнга.

Рояль тепасида турарди қатор  
Альбомлар,  
Оқ филлар ҳайкалчалари.  
(Бунда ҳатто севги тангриси ҳам бор!)  
Бояқиш шуларни турар кўтариб.

Хонада бақирӣқ,  
Нардлар зарбидан  
Сувоқлар тўкилар,  
                                шифт ҳам бермас дош,  
Анув ошноқ филлар остида эса,  
Чечакларини босиб ётган каби тош  
Бах сонаталари  
Ва Комитаснинг\*  
Маҳзун ҳамда маъюс наволариям,  
Шопенининг куйларда акс этган дарди,  
Бетховен куйларини садолариям  
Гўё эзгиланиб ҳолсиз ётарди...

Нард ҳамон тарақлар.  
Пиво кўпирар,  
Қозондаги дўлма тарар ширин буғ.  
Пурдоқ тўйиб-тўйиб еб ёғлик кабоб  
«Арарат этаги...»  
                                деб бошлар қўшиқ.

Бақирӣқ-чақирӣқ қилишиб мастлар,  
Уйнашса тешишиб уйнинг полларин,  
Юракни эзгудек нолалар чекиб,  
Фарёд кўтарарди рояль торлари...

Чидаб туrolмадим.  
Не бўлса булар!  
Мен ҳам билганимни қиламан энди!  
Роялни шарт очдим...

                                Қулади филлар,

\* Машҳур арман композитори.

Севги тангриси ҳам жаранглаб синди...  
Сунгра йиғиб олиб эсу ҳушларим  
Силадим чағ босган клавишларин.

Жавон боз роялга айланди-қолди...  
Билсангиз, неча йил сукутда кечган  
Ушал жимжитликнинг қаъри-қаърида  
Эҳ ҳе, қанча-қанча бурон бор эди,  
Инсонга интиқлиқ, сурон бор эди!  
Қаршимда кулиб гоҳ йиғларди рояль,  
Ҳолидан ҳикоя қиларди рояль.

«Яна маст буи қолди шоир тушмагур»...  
«Филларни жуғттага синдирмагандир»...

...Қулфлаб қўйди боз роялни нурдоқ.  
Столга мункайиб кавшанар беғам.  
Ўзи-ку чалишни билмайди мутлоқ,  
Чалишга қўймайди билганларни ҳам.

Зулмат тун.

Шамолдан қад букиб, шу кўй  
Кетиб бормоқдаман, бошимда бир ўй:  
Ушал чил-чил синган севги тангриси  
Ортимдан мазах-ла турса-да боқиб,  
Даҳшат-ла дағдаға қилиб оқ филлар  
Мени ҳар қадамда этса-да таъқиб,  
Ишон, рояль, ишон:

аҳд қилиб қўйдим

Сени обкетгум бу бегона уйдаш!

\* \* \*

Минг шукрим, ишларим дуруст,  
Шу кетишда, очини айтсам,  
Кулиб боқар омад устма-уст.

Агар шундоқ утиб турса кун  
Эҳтимолки, улим олдидан  
Англагайман... ҳаёт мазмунин.

\* \* \*

Қояларга ишқаб биқинин Қуёш  
Қонаб кетганида гўёки уфқ,  
Соялардан зулмат пайдо булган он,  
Нур ухлаб, зулумот уйғонганида  
Эзгуликни гўё босар-у мудроқ  
Ёмонлик ўзини қилар намоён.

Гўё шодлик суниб, уйғонар қайғу,  
Тириклик маҳв бўлиб, уйғонар ажал,  
Гўё бор жаҳонин қоплаб зимистон  
Зулумот қаърига шундоқ тортарки,  
Ададсиз уйқуға кетгандай жаҳон.  
Энди тонглар отмас дейсиз ҳеч қачон...  
Ҳа, қолиб кетарди дунё зулматда,  
Уни уз ҳукмига оларди уйқу —  
Агар уйғонмаса ҳар тонг янгидан  
Одам боласида

муҳаббат, умид,

Ишонч дея аталган туйғу!

### «ЛАУРА ВА ПЕТРАРКА» ПОЭМАСИДАН МОНОЛОГ

— Қани? — дея мендан сураарлар,  
— Қайда? — дерлар.  
Қайлардасан, айт?  
Унутдингми?  
Ташлаб кетдингми?

Хиёнат қилдингми ёки...

Ёпир-ай!

Сўзла, Лаура!

Борлиқ гуё қаттол қаҳратон  
Заҳридан тош қотгандай музлаб,  
Фақат қолмиш қалбинг олови,  
Қалбимга шу бериб турар тафт.  
Айт, қанчалик эрур шам умри.  
Сўзла, Лаура!

Қўҳна замонлардан қолган хис-туйғу —  
Муҳаббатим энди — хоч ила шамшир.  
Ахир сен булмасанг,  
Сени тополмасам  
Энди мен кимларга сгинай, гапир!  
Сўзла, Лаура!

Телбалашиб,

тошиб томиримда қон

Қалбим анорига  
Санчилар тигдай.  
Ажабо, муҳаббат уз ўришни ё  
Хиёнатга алмашдим, айт!  
Сўзла, Лаура!

\* \* \*

Улкан қуёш  
Чарақлаган, кулган қуёш  
Борлиқни ёндириб, тоблаб охири  
Ботиб,  
макон этди баҳрини.  
Мен-чи?  
Гарчи дилда армоним бисёр,

Гарчи турфа эллар кезганимча йуқ,  
Гарчи ял-ял ёниб гулу чечаклар  
Қачон узасан деб йулимга интиқ;  
Гарчи...

Айтаверсам бўлмас адоғи,  
Кулиб улгурмаган кулгуларим бор.  
Ширин сўзлар айтиб

эркалашимга

Балки бир нозанин интиқ ва хумор.  
Лекин мен висолга улгурганим йуқ...

Улкан қуёш,

Чарақлаган, кулган қуёш

Баҳр этагига бормоқда ботиб.

Аммо, унинг буюк, улкан қудрати:

Эртан тонг у яна

Порлаб чиқади!

Кел, жоним,

Қошимга келақол тезроқ.

Кел, ҳаёт тотидан олайлик баҳр.

Офтоб ҳар кеч ботиб,

ҳар тонг чиқади.

Биз ҳар тонг офтобдек чиқмаймиз ахир...

\* \* \*

Қордан оғирланган тунд қора булут

Тукар «оқ бисотин» ерга пайдар-пай.

Борлиқ қор,

Тоғлар қор,

Ҳар ёқ қор ялт-юлт,

Оппоқ қор буй чўзар ур-қирда тинмай.

Боқиб,

Қор туғилар далада дейсиз,

Шамол қанотида қор учар-тұзар.  
Мажнунтол шохлари тош қотмиш маъюс.  
Терак уз скелетин ҳавога чизар.  
Томчи думаларкан қуйиға шошиб  
Тақа-тақ тўхтади,  
Бу қизиқ ҳолдир:  
Бўғотга ёпишиб бесас, бесадо,  
Сумалакка айланди-қолди.

Борлиқ жим.  
Ер-кук жим,  
Ҳали ажабо  
Овоза бўлгани йўқми ихтиро?

Фақат сайр этади бунда зур бериб  
Йулакда қору муз устида юриб  
Ёши ўтинқираб қолган бир аёл.  
Доктор унга демиш:  
«Сайр этинг, хоним,  
Қим билади дейсиз, ёшлигиниғизни  
Қайта топволарсиз, эҳтимол...»

\* \* \*

Эшикка чиқсам бас, остона ҳатлаб,  
Севиқлигим мени меҳр-ла упиб,  
Қадимлардан қолган удумни ёдлаб,  
Кузатар ортимдан андак сув сепиб.

Бир коса сув сепар ҳар гал изимдан,  
Йулларинг ҳаминша бўлсин дея, оқ,  
Доим асрасин деб фалокатлардан,  
Доим қайтиб келгин дея омон, соғ.

Сув сепиб, ортимдан қолса-да боқиб,  
Билмаски, бу аср фалокатлари

Фақат йуллардамас, йулаклардамас,  
Бизни ҳамма ерда этишин таъқиб...  
Бир коса сув фақат...

Офат-чи, лак-лак!

Шу сув офатларни қаърига ютиб,  
Хуружлар довоини емириб ўтиб,  
Турфа ёвузликка келарми бакор?  
Ҳаёт эса, бизга берилар бир бор...

Ёрим сув сепеди.

Қўрқаман, шу сув  
Тўлқинга айланиб ва солиб даҳшаг  
Нухнинг кемасини босгандек тошқин  
Мазахлаб, домига тортмасин фақат!

\* \* \*

Кел, бу оқшом базм қурайлик,  
Эй, дуркун гузал!  
Столни туза,  
Кел,  
дил забткори,  
Мен ҳам виждон қийноғидан қутулай тугал.

Кел,  
столга тукиб ташлайлик  
Сенинг иффатингу, назокатингу,  
Мен чеккан уқубат меваларини;  
Сенинг нурдай тиниқ эҳтиросингу  
Мен чеккан изтироб шеваларини...  
Кел, бу оқшом базм қурайлик!..

\* \* \*

Оҳ, нақадар гузалсиз, отлар,  
содда ва табний,  
гар айтсам руй-рост  
сиз ақллироқсиз  
мендан

ва мени

ҳижронларда ёққан манов сарвиноз,  
гузал аёл билан қилганда таққос.  
Отлар,

утлоқларда юриб ёнма-ён

хотиржам,

тумшуқни тумшуққа тираб  
турасиз жимгина, осуда, шоён,  
намхуш, катта-катта кўзлннгиз ила  
бир-бирингизга жимгина қараб.

Жимгина турасиз

ғиди-бидисиз,

изҳори дил этиб,

аччиқ ёш тукиб

ҳижрон азобларин тортиб юрмайсиз.

гап билан хўп уйиб бир-бирингизни

ўтмас ничоқ билан сўймайсиз...

Отлар,

сизга жуда ҳавасим келар.

\* \* \*

«Бу нима?», «Нима учун?»

Болакай тинмай сўрар,

жавоб қилмасдан кўр-а...

Сеннинг саволларингга  
Ақалли бирон одам  
Қанийди жавоб берса!

Аҳволинг танг бўлганда  
Тангрига ёлборасан  
Мадад сураб, сизгиниб.

Нима қилмоғи керак  
Бор эса, у бояқиш,  
Қимдан сурасин кўмак?

### О Б И Д А

Нега бугун кўзимда ғам,  
Юрагимда не кадар —  
Хоҳи сўранг, хоҳ сўраманг,  
Сизга қиларман баён.  
Кеча Миср заминининг  
Қатларини очдилар,  
Билармисиз, олимларга  
Нелар бўлди намоси?

Тўрт минг йиллик масофадан  
Тўрт минг йилнинг қатъридан  
Етиб келмиш битта эмас,  
Тўртта Рамзес ҳайкали,  
Бир-биридан ашаддий,  
Жоҳил бири биридан,  
Кўзларида қонхўрликнинг  
Ути учмаган ҳали.

Тўрт ҳайкал — бир қабоҳатнинг  
Тўрт нусхаси бамисол.  
Тўрт минг йилдан тўрттагина

Ёдгор бўлиб турипти.  
Тарих! Қани адолатнинг?  
Сени қандақ дей ҳалол?  
Ҳақиқатни тош каллалар  
Бир чеккага сурипти.

Ахир тўрт минг йил илгари  
Елғиз Рамзес бўлмаган,  
Меҳнат қилган, кўзёш тўккан  
Сангтарошдир, фаллоҳдир.  
Папирусга хатлар ёзиб,  
Тарихларда улмаган  
Нисон дарду қувончига  
Қадимий Нил гувоҳдир.

Қайда қолди маъбадлару  
Абухавллар ясаган,  
Шароб сузган орзу тула,  
Қайғу тула юраклар?  
Рамзесларга қаср қуриб  
Вайронада яшаган,  
Кечалари тинглаб ётган  
Юлдузлардан эртақлар?

У боғбондир, у гўрковдир,  
У халқ — буюк, афтода.  
Наҳот бизга ундан эмас,  
Нисон қолмиш жаллоддан?  
Наҳот тарих абадият  
Рамзи қилиб дунёда,  
Рамзесларни қолдирибди  
Бизга олис ажлоддан?

Улар бир вақт майдонларда  
Турган каби улугвор  
Буқун яна жой олурлар

Музейлардан иззатда,  
Шуни уйлаб кўзимда, ҳам,  
Кўнглимда дард ва озор,  
Қисматнинг бу қилмишига  
Боқадирман нафратда.

## САВОЛ АЛОМАТИ

Қадди дол,  
    Бемажол —  
        Эй, савол аломати!  
Сен асли  
    ундовнинг  
        эгилган ҳолати.  
Бир маҳал  
    мукаммал,  
        тик, гўзал эдинг сен.  
Нуктадан  
    нойдевор  
        бир ҳайкал эдинг сен.  
Тириклик, асаб,  
    фуратми сабаб  
        чолларга ўхшаб —  
Қолибсан, мункайиб,  
    нотавон ва майиб  
        турибсан мунгайиб...  
Қани чақириқларинг?  
    Қани ҳайқириқларинг?  
        Қани у қоматинг?  
            Гердайган ҳолатинг?  
Дунёнинг ишлари  
    шунақа —  
        ғалати.  
Қариган, эскирган,  
куюлган, эскирган,  
    донишманд тус кирган  
        эй, савол аломати!

## МЕН СЕВАМАН БАРЧА ТИЛЛАРНИ

Барча тиллар тенгдир жаҳонда,  
Барча халқлар дилимга яқин.  
Билмамайман лек қай замонда  
Қайси қарғиш, қайси бир хонн —

Гуруҳларга бўлди элларни,  
Ҳар гуруҳга берди узга тил.  
Лаҳжаларга бўлди тилларни,  
Одамларни қилди ноаҳил.

Битта эди қадимда тиллар,  
Халқ дустликка очиб бағрини  
Бирлик уйин қурмоқ бўлдилар  
Ўйламасдан тагри қаҳрини.

Тагри боқса, бу уй юксалиб  
Етиб борар ҳатто қуёшга.  
У эларо можаро солиб  
Ҳар элга бир тил берди бошқа.

У Бобилининг миносини  
Шундай вайрон этди бир замон.  
Тагрининг ул продасини  
Кечирмайди одамзод ҳамон.

Ҳамон унинг дилида орзу,  
Ҳамон қайтмас уша ҳавасдин.  
Бунёд этмоқ булар серёғду  
Қардошликнинг муҳташам қасрин.

Халқлар ташлаб низо тошини,  
Яшай олса бирликда ҳамкор,  
Тагриларга эгиб бошини  
Нажот сўраб ёлбормоқ бекор.

Мен севаман барча элларни,  
Мен севаман барча тилларни.  
Рафаэлдан кўзларимда нур,  
Отеллодан қалбимда сурур.

Шотланд Берисни биродар сездим,  
Уитмен билан Нью-Йоркда кездим.  
Немис-фашист бўлганда ғаним,  
Жангга кирдим — Гёте ҳамдамим.  
Анқарада янграган наво  
Юрагимни қиладир шайдо.

Мен — арманман, тилим арманча,  
Ҳеч ким уни севолма с манча.  
Месроб Маштоц тили мен учун  
Муқаддасдир ҳаммадан бурун.

Яна севиб барча элларни  
Ўргангим бор барча тилларни.

Инглизча сўзлайман кам кам,  
Бекорчилик бондан эмас,  
Шекспирга булиб ҳамнафас,  
Макбетларни қани енголсам.

Қани, улуг Сервантесга ҳам  
Бера олсам испанча салом.  
Қани эди соф айта олсам  
Турк тилида Ҳикматга калом.

Мангу халос этсам жаҳонни  
Султонларнинг валодатидан.  
Эмин қилсам замин, замонни  
Ўрта аср жаҳолатидан.

## КЕЛАЖАККА

Менга сепдан ургапмоқ керак,  
Яшамоқни ургат, Келажак.  
Бергин менга тиңчимас юрак,  
Мушкул чоғда қилгин мард эркак,  
Курашларда — уйғоқ ва сергак  
Бу дунёда этма хотиржам.

Манманликка бўлмайин ҳамдам,  
Изламайин шон-шуҳратни ҳам.  
Севдим! — демай — севмай чинакам,  
Баҳор! — демай — келмасдан кўклам,  
Етдим! — демай — қўймасдан қадам  
Бахтиёрман! — деб қилмай садо.

Оқин оқ дей, қароин қаро,  
Тан берайин қилганда хато,  
Тузатганда кутмай тасанно,  
Тасаннодан касб этмай ҳаво,  
Ҳеч ерда ҳеч кермайин кўкрак.

Шуни менга ургат, Келажак!

## ГАРСИА ЛОРКА ҲАКИДА ШЕЪРЛАР

### 1. Фарёд

Рақибларим — ул ёвуз, қаро  
Қушларда айб йўқдир мутлақо.  
Тангрим, қушиқ бериб тилимга,  
Нега қўйдинг қузғуилар аро?

Сеп-ку мени яратдинг оққуш,  
Зоглар ичра ташладинг бундоқ,  
Бегона ранг уларга нохуш,  
Бамисоли бегона байроқ.

Тангрим, мени талатдинг ёмон,  
Ҳолсиз қолдим, борлиқ таним хун.  
Не қасдинг бор — йиқилганим он  
Илонзорга ташладинг нечун?

Сенга аён ахир, парранда  
Ҳашаротдан бўлгандир бунёд.  
Шу бонсдан, зоти дарранда  
Қанотликка кушанда, жаллод.

Улар асли тубандан тубан,  
Ожиздан ҳам ожиздир, бироқ —  
Уша ожиз тубанлик билан  
У манфурлар мендан кучлироқ.

Уларда бор учталаб ҳасад,  
Наво қилмас ва парвоз қилмас.  
Қуйламаган, учмаган жасад  
Ҳайиқмайди, чунки йиқилмас.

Рақибларим — ул ёвуз қаро  
Қушларда айб йўқдир мутлақо.  
Тангрим, қўшинқ бериб тилимга  
Нега қўйдинг қузғунлар аро?

Адо қилгач ул аҳли қузғун  
Илонзорга ташладинг нечун?

## 2. Т У Ш

Даҳшатли туш кўрдим,  
Бошимда йўқ хуш.  
Душман ҳам кўрмасин

Бундоқ ёмон туш.  
Бир оғир жундор қўл  
Бўғзимдан тутди.  
Бошқа бир шундоқ қўл  
Оғзим беркитди.  
Ҳирқираб дод дедим.  
У ёвуз одам  
Томошабинларга  
Деди хотиржам:  
«Қани бу овозда  
Нафосат, жараиғ?  
Яна шоир эмми  
Бу одам, қаранг!»

### 3. СЎНГИ СЎЗ

Юрт, сен ёлғиз тупроқ, маков эмассан,  
Ё давлат қўшиғи, шоир ё байроқ.  
Испания, сени она демасман,  
Сен жаллод қулида булсанг уйинчоқ.

Йўқ, рози эмасман, мен учун Қайсар  
Қайсардур, ҳечқачон демасман худо.  
Қолмасин мендан бир ном-нишон, асар  
Булганимдан кура қўғирчоқ даҳо.

Йўқ, рози эмасман, сиз билан ҳеч вақт  
Баҳс қилиб масала талашмайман ҳам,  
Сизнинг қуролнингиз ғазаб ва ҳасад  
Сиз — бўри зотидан, мен эсам одам.

Сўз айтмоққа сизга эмасман рози,  
Чунки сўзингизда йўқдир ҳақиқат.  
Сизнинг гапингизни эшитмоқ ўзи  
Сиз билан баробар қилмоқ жиноят.

Бу заҳар ҳаводан олмасман нафас,  
Пуқ, рози эмасман заққум фалакдан.  
Замон ғалвирида адолат булмас,  
У фарқ қила билмас донни кепакдан.

Золимлар, сиз учун нақадар лаззат  
Шу лаҳза! Жисмимни тарк этар жоним.  
Ҳаётимга нуқта қўйдим энди, бас,  
Бозорга солмасин ҳеч кимса шоним.

### Х А Т

Соат роса учда келди унга хат,  
У эса бир соат олдин берди жон.  
Қандоқ кутганди-я шу хатни фақат,  
Қиё ҳам боқмади хатга бу замон.

Жанг тишиб бошлангач сукут фурсати  
Чарх урди бир оқ қуш хандақлар узра.  
Бу балки онашнинг кечиккан хати,  
Мурдалар ичида эгасин излар.

\* \* \*

Қор,  
Сен ҳамон ўша қор,  
Совуқ, бепарво.  
Неча бор турландинг  
Ҳаётимда, воҳ —  
Илк болаликдан то  
Илк... кексаликка қадар, неча бор...  
Мендек уткилчига  
Теккан омонат  
Ҳам қисқа умримга етгули хилқат —

Қорсан барқарор...  
Гоҳ туюлдинг юлдуз,  
Гул, капалак гоҳ —  
Ҳали уйинқароқ, болалик паллам,  
Энди-энди дунё пайқардим у дам,  
Ҳаёт шукуҳидан булардим огоҳ.  
Куриндинг  
бир ошпоқ парда мисоли —  
Ортингда истиқбол  
Менга атамиш, ким билсин,  
Қанақа мўъжизалар бор!  
Куриндинг  
Биринчи тоза севгимнинг  
Булиб пок суқмоғи —  
Унга қўйганча йуқ у ҳали қадам...  
Ва куриндинг  
Булиб бир варақ қоғоз,  
Неларга тулардинг,  
Ё нелар ёзардим сенга мен ўзим...  
Кейин, йиллар утиб,  
Аста-секин қор  
Менга бўлмай қолдинг қувонч, ифтихор,  
Балки уй-ташвиши —  
Печ, утин даркор.  
Энди туюлмайсан тоза, беғубор,  
Балки кирлангансан —  
Мисли оёқ тагида шилчиллаган қор.  
Гуё сен соч оқи  
Ва улган дўстларимнинг  
Ўчирилган телефон рақамлари.  
Қабрларга қўйилган  
Оқ мрамарга ўхшайсан ҳали.  
Кейин ўхшайсан, ҳа,  
Тоза, бир бет қоғозга,  
Эҳтимол, у шундоқ окликча қолар.

Ким ибтидони билмиш,  
Иштидони ким башорат қила олар?..

...Қор ёгади — совуқ, бепарпо,  
Оқ парлар ўйноқлаб қунарлар.  
Уни қизиқтирмас мутлоқ —  
Ерда туғилди ким  
Ва кимни кумарлар.

\* \* \*

Офтобга юзланар бир бахтсиз одам:  
— О офтоб, кунларнинг узун бунча ҳам.  
Бунча ивирсиниб ёғдирасан нур,  
Нега имиллайсан ўрмалаб нуқул?  
Мендек бахти қаро бўлсанг, эҳтимол,  
Юрмасмидинг кўкда бунча бемалол.  
Тезроқ тоғдаи пари ботсанг нетади,  
Балки дард, аламинг ўтиб кетади,  
Битсин тез  
бу қора кун,  
Кўнгил яра кун,  
Шукурки, тезда у ўтажак бутун.

Офтобга юзланар бир бахтли одам:  
— О, офтоб кунларнинг қисқа бунча ҳам.  
Бунча югурасан, қайга қочасан,  
Нега бу қадар тез ёғду сочасан?  
Агар бўлсанг эди мендек бахтга ёр,  
Ҳовриқиб елмасдинг бундоқ, эҳтимол.  
Тоғ ошиб кетмагил, сабр қил бир дам,  
Қувончим узайсин жиндак бўлса ҳам.  
Ушбу ғаройиб кун,  
Бу ажойиб кун,  
Афсуски ўткннчи —  
Ўтар бус-бутун.

Офтоб эса бир хил, бузмайди пинак,  
Унга ҳам, бунга ҳам қарайди бирдек,  
Иккисига сочар тенг ҳарорат, нур,  
Чиқиши, ботиши доим бир хилдир.

## ИСПАНЧА РАҚС

Испан йигитими? —  
У рақсга тушмас,  
Гўё севиб қолар,  
Қўнглини топар  
Ва қулга олар.

Испан аёлими? —  
У рақсга тушмас,  
Ахир у маҳбуба,  
Мафтунҳол боқар  
Ҳам кўна қолар...

Испан йигитими? —  
У рақсга тушмас —  
У аввал оёқда  
Завқ,  
Севги,  
Беллашув  
Тактини чалар.  
Суҳбатлашар  
Испан қизин  
Зайтунранг кузлари ила,  
Кўксидаги туғнағич-у  
Сочига қадалган  
Қизил гул ила суҳбатлашар.  
Ҳам олар жавоб —  
У кузларнинг чақнашидан,  
Қийғоч қошлар имосидан

Ва ҳар бир зарби қалбга  
Қурюшин каби қадалгувчи  
Қайроқтошнинг қувноқ садосидан...

Сунг бошланар жазавакор куй,  
Аниқ жавоб ололмагач  
Эсдан оггансимон...  
Эски, гамгин гитар  
Мишг ализга тушар ва инграр.  
Рақс ёндирар  
Аста-секин ўз-узини.  
Испан йингити эса  
Узмас маҳбубасидан кузини.  
У тиллашар  
Қизнинг эҳтироси,  
Қизнинг лаблари,  
Кукраклари билан.  
Ёнбошларин мавжи,  
Қайноқ оғуши билан...

Испан қизин қизил қуйлаги ҳам,  
Сочига қадалган қизил гули ҳам  
Буқанинг ҳушини олгувчи матога —  
Қизил матога айланади шу дам.

Кўксндаги қизил тўгнагич  
Айланар қин-қизил ярага...  
Гўё тинмай кетаётир қон  
Ва севги айланар улимга,  
Улим эса — севгига шу он,  
Иккиси ҳам қонсираган, қон.  
Энди, энди ажратиб бўлмас,  
Ким жаллод-у, ким эса — қурбон  
Ва ажратиб бўлмас, буқа — ким,  
Матадори кимлиги гумон.

Ва севмоқчи бунда кимди ким,  
Ва ким кимга булмоқчи ҳоким.  
Қим уради кимга, хуш, хавжар,  
Қачонки ҳар иккиси —  
Бир вақтда ҳам буқа-ю,  
Ҳамда матадор,  
Қачонки ҳар иккаласи —  
Бир вақтда қурбон ҳам жаллод.  
Қачонки севги ва шавқ —  
Булса беомон оташ  
Ва жон олар ханжар.

Тушмади ҳозирча ҳаёт юзига  
Ўлимнинг қон-қора пардаси...

## ЕР БИЛАН ОСМОН

(Ўрта аср ривояти)

Оға-ини Ер билан Осмон  
Қайси бири биз учун хўброқ?  
Мен осмонни мақтагум шодон,  
Ерни эса икки бор кўпроқ.

Ҳар иккиси — ҳаётим боши,  
Қўшигимга шулар пойдевор.  
Мақтагайман кўкни завқ тошиб,  
Ерни эса кўпроқ икки бор.

Осмон Ерга керилмиш бир кун:  
Шўрлик мен-ла беллашднинг қандоқ?  
Меникидир юлдузлар бутун,  
Ва яна-чи, ой ҳам менда, боқ.

Ер-чи тишлар, сўнг дейди шу чоғ:  
— Улуғларга ярашмас кибр,

Менда ҳам бор минглаб урмон, боғ  
Ва яна-чи, утлоқлар хил-хил.

Кулган булар тепадан осмон:  
— Бермасам бас биргина шабнам.  
Қурир барча боғ-роғу урмон  
Ва яна-чи, утлоқларинг ҳам.

Ер жилмаяр яна босиқ, жим:  
— Сеникимас шабнам билсанг гар,  
Уни тугар денгиз, кулларим  
Ва яна-чи, тошқин дарёлар.

Қораяди ҳасаддан осмон:  
— Юқоридан пуркасам олов  
Боғларингни босади хазон  
Ва қурийди утлоғинг дарров.

Қамтарона кулиб дейди Ер:  
Чиқараман ул дам минг булоқ.  
Суғораман борим бирма-бир,  
Сувсиз қолмас ҳаттоки утлоқ.

Гулдирайди осмон шу заҳот:  
— Менман, билсанг, қуёшга макон.  
Унга қарам бутун кинот,  
Сен, бояқини, Ер ҳам, бегумон.

Ер шуида дер, сокин, пурвиқор:  
— Мен инсонга, билсанг, бошпана.  
У сенгаю, менга ҳукмдор,  
Қуёшга ҳам эгадир яна!

Оға-ини Ер билан Осмон,  
Қайси бири эрур яхшироқ?  
Ушбу суҳбат тугаган замон  
Осмон Ерга эгилди мутлоқ.

Тан бергани булди жуда соз,  
Иисонники юлдузу тупроқ.  
Еру Кукни этгайман эъвоз,  
Лек иисонни икки бор кўпроқ.

\* \* \*

Қуриб кетсин бундоқ кажбахт бахт-а,  
Мен қачон ёзмасам,  
Ё қачон севмасам  
Ёғочман гуё қоқ —  
Дарахт эсам-да асл,  
Ё саройман овлоқ  
Булсам ҳам асли қаср.

Хонаки товуққа ухшайман гоҳ  
Буз тарлон булсам ҳам,  
Нолга тенгман ногоҳ  
Аниқ сон булсам ҳам  
Ва нимаки қилмай,  
Нечоғлик қотирмай,  
Бачкиман кузимга,  
Ёқмасман узимга.  
Бунда нетсин либос,  
Гап либосда эмас!  
Ўз терим қисар, бас,  
Халакман булиб ундан қутулмоқ,  
Чораси — ё улмоқ,  
Ё қайта туғилмоқ.

### СЕНГА, СЕВГИЛИМ

Ўйларимни тукиб туйгунимча то,  
Шеъримнинг нуқтасини қуйгунимча то,  
Майли, реактивлар учсин самода,

Издан эргашсин дуди ҳавода,  
Ўз товшн бўғилиб учсин фазода.

Электрон учсин нурдан-да тезроқ,  
Фазовий кемалар сузсинлар узоқ,  
Ер сунъий йулдоши —  
Тупсимон чироқ  
Тўрт бора куррани айласини ҳатто,  
Шеъримнинг нуқтасини қуйганимча то.

Сен эса, севгилим, кўзингга қара,  
Билдирмасдан усган  
Гумак сингари,  
Яширинча бўртган  
Куртак сингари,  
Индамай, гурур-ла ўзингга қара.  
Гарчи инсонларга туладир жаҳон,  
Бомбаю минадан арзондир инсон,  
Токи туғилгунча яна бир инсон  
Тўққиз ой, тўққиз кун ва тўққиз соат  
Ўзингни авайла ва айла тоат,  
Индамай, гурур-ла ўзингга қара.

Севгилим, шундай бир иш қилгинки сен,  
Дунёда лоақал инков — сен ва мен  
Тушуниб етайлик: инсонини туғмоқ.  
Оламга келтирмоқ — азоб ва қийноқ;  
Ҳам шундай азизки бу инсон зоти,  
Эрмакдай уйнамоқ инсон ҳаётини —  
Гуноҳлар ичида энг катта гуноҳ.

## ҚУҲИА ЕРЕВАНДА ЁМҒИР

Қуёш ўргумчакдай тепадан тўр ташлаб  
Тупроқнинг шарбатин сулар эди.

Ереван турарди тош қозонга ухшаб  
Эриган ҳавога тулар эди.  
Ҳавода титрарди фаввора сувлари,  
Елда учган шамдай сунди тафтдан.  
Тол тагига тикилди соялар бари,  
Ҳарсиллашда фарқи қолмай итдан.  
Ўтарди эринчоқ, мудроқ йуловчилар,  
Ҳол сўраб қўйишиб баъзан лоҳас:  
— Ассалом! Қалайсан? Тинчми уй ичилар?  
— Ёмон эмас...  
— Ўзинг-чи?  
— Ёмон эмас...  
Одамлар шу сўздай ялт этиб, гум бўлар..  
Пулкада теширар ерли даҳо,  
Таъкидчини сўкиб, газабларга тулар.  
Иссиқдан тошқотиб турар гадо.  
Йулдан бир қиз ўтди қовжираган гулдай,  
Сўнгра балиқдай қуриган бир чол.  
Эриган изларда силжирди трамвай  
Иссиқдан ҳуши йўқолган мисол.  
Одамлар норози... сўзлашарлар тўрс-тўрс:  
— Лоақал эсса-чи шамол сал-пал..  
— Унда чанг бўларди..  
— Туртма! Туртма!  
— Вой қўрс!  
— Ўзингдан бир хабар олгин аввал!..  
Булутлар урилар булутларга бехос,  
Чизмалар чизади кўкда чақмоқ,  
Иссиқдан бўғилиб солар айюҳаннос.  
Дарахтлар қарсиллар. Ҳаво янгроқ.  
Жала қуяр бирдан иссиқни савалаб,  
Жазирани бўғиб, ерга михлаб.  
Дарахтлар эгини текислар авайлаб,  
Сочларин тарар, кўлмакка қараб.

Жала қуяр.

Ҳирсдан қалтирайди шамол

Қизлар жисмин лойдан ясагандек.

Куча буйлаб чопар қанча эркак-аёл.

Худди қувлашмачоқ уйнагандек.

Уйлару кинолар эшигини тўлдириб

Одамлар тикилар бир-бирига.

Нақ эски дўстлардай бир-бирни кулдириб,

Боқинар сирли куз ёмғирига.

Қушлар сайроғига тулди бирдан ҳаво,

Уларни кўрмаган эди ҳеч ким.

Анов нотаниш қиз мунча гўзал, барно,

Ажабо, қай йигитни севаркин?

Манови бобой-чи, соч-соқоли оппоқ,

Қошлари гўёки қуш булутдир.

Шоирнинг кўнглида туғилди айни чоқ

Олисдан ёмғир-ла келгандек сатр.

Кўримсиз ва сўлгин дарахтлар ям-яшил,

Ақлингдан оздирар хушбўй хурмо.

Эслабми ёқимли кунларини хилма-хил

Жилмайиб санарди нулларини гадо.

Ҳаво шунчалик булгандики муаттар,

Бир ютум ютмоқлик гўё бахтдай.

Бу сонсиз умиду омад, саргузаштлар

Қайдайди ва туғилди қай вақтда?..

Камалакни кўрганда хўрсинади бобой:

— Қайдасан, ёшлигим, қайда, ёҳу?!

Бошини қаннийди хаёл суриб гадой:

— Нонинг бутун бўлсин, кераги — шу!

Қиз дер:

— Севги — ёз ёмғирини мисол,

Келаркан кутмаган пайтларингда.

Шоир қулоқ тутар ганга паринионҳол,

Хаёлан тугатар байтларини.

Атрофда ҳар нарса шундай жозибатор,

Қўл чўзса етгудай енгил эди...

Янги туғилгандай ҳар инсон бахтиёр,  
Ортдайки муҳтожлик, ғамлар дуди...  
Бир неча дақиқа давом этди бу ҳол,  
Ёмгир ўтиб кетди, хўмрайди қиз.  
Аввалгидай қўрслигини бошлади чол,  
Гадоё ҳам инграниб очди оғиз.  
Шоирнинг қарзлари ёдига тушади  
ва гузал байтлари эсан чиқар...

...Ўргимчак-қуёш ҳам нур турни ташлади, —  
Зеркиш,  
Жазира,  
Тузон,  
Шаҳар.

\* \* \*

Мен боққа борардим бола пайтимда  
Қўлда таёғим-ла чизиб суқмоққа.  
Одамлар ва моллар қирдан қайтишда  
Изни топташарди қориб тупроққа.

Болалигим ўчди худди шу издай  
Аштарак аталмиш чанг бир қишлоқда.

\* \* \*

Сувлар гувиллайди чуқур дарада  
ёввойи қоялар аро йўл очиб.  
Қўшиғимиз келган садо тарата  
асрларнинг маънос тоғларни охиб.

Қирғоқ ўргангандай сойлар сасига  
биз учун ёқимли олатдир қушиқ.

\* \* \*

Тоғлар бор тоғларда, тоғлар кўксенда,  
Тоғлар ёнбағрида — зумраддай ўрмон.  
Бургутдай уч, шоир, тоғлар устида,  
Қўшиқ соч юксакдан ерга беармон.

Кимдир пистирмадан ўқ отган билан  
Етказа олмас-ку қалбингга зиён?!

\* \* \*

Арманистон тоғларида юксалиб мағрур  
арманларнинг турар кўҳна обидалари,  
донм кулар, бўлганида эл аро ур-сур,  
Арманистон каби яна тикланар бари...

Гарни ибодатхонасини тошини упамаи  
Азиз нисон мурдасини ўнган сингари.

\* \* \*

Сендан олис кетмасам-да, соғинаман зор,  
Айру тушсам ҳолим нима кечар, Ватаним?  
Сен борсанки, мен ҳам борман, қўшиқларим  
бор,  
Куйларимнинг манбақан, жоним ва таним.

Васлимизни напоҳида асрасин ўзи,  
Ҳижронингги кўрсатмасин, орзум шу маним.

\* \* \*

Баланд тоғдаш шоиқин булутлар  
учганидай водий, боғларга,  
бағрингиздан учдим бир юртга,  
хуш қолингиз, Лори тоғлари!

Учдим пилҳом кўкидан тагин  
қушиқ булиб сизга ёгани...

\* \* \*

Эй, бахтли шеърларим, сизлар эҳтимол,  
Олис келажакка борарсиз етиб.  
Мен эса асримда топарман завол,  
Қалбда шу орзум-ла оламдан утиб.

Ҳавасим келади сизга, шеърларим,  
Мендан қадригизни олдингиз ситиб.

\* \* \*

Зулмат чўкди ва тез ўтди тун,  
тугалланмай қолди севгимиз.  
Ўтди узун қиш тунни беун,  
тугалланмай қолди севгимиз.  
Йилнинг барча тунлари аро  
энг узунни шу тун, жонгинам,  
Тунда айб йўқ, севгимиз узун, —  
тугалланмай қолди севгимиз.

\* \* \*

Ёдга тушаверар, кечмиш кезларнинг —  
севги унутилмас йиглаган билан.  
Йиглама, ширмасини гўзал кўзларнинг —  
севги унутилмас йиглаган билан.  
Гуллаб-яшнаб турган гул бутасини  
қанча савамасин баҳор ёмғири,  
Отандай товланар гулнинг юзлари —  
севги унутилмас йиглаган билан.

## ТАЛАБА ҚУШИҒИ

Э, менинг нозигим, китобларастим,  
Баҳор бор оламда, гуллар ва шеърлар.  
Шум китобларингда бор менинг қасдим,  
Чиқ уйдан, кутмоқда бизни ёмғирлар.  
Нақ ишқ бусасига ясанган пурим  
гуллар очямоқда — оқшом саиъати,  
Юр, менинг заифам, менинг энг зурим,  
Китобдан устундир ишқ ҳақиқати!  
Қуз келар, қиш келар, яна ёғар қор,  
Қор ёғар, босилар биз босган излар.  
Мук тушарсан кўҳна курсингга такрор,  
Қуршар атрофингни китоблар, қизлар...  
Бугун-чи, нозигим, китобпарастим,  
Бугун бунда баҳор, гуллар ва шеърлар!  
Шум китобларингда кўп менинг қасдим,  
Чиқ уйдан, кутмоқда бизни ёмғирлар.

## СЕВИЛМАГАН ҚИЗГА

(Газаллар)

### 1

Сенга вафо ваъда қилмам — аёндир бу,  
Севиклим деб сени билмам — аёндир бу.

Орзулардан, армонлардан туғилар ишқ,  
Сен келсанг узнинг илдам — аёндир бу.

Ўзим қулга киритмасам ширин булмас,  
Ҳадянг ширин булганда ҳам — аёндир бу.

Мени билмас эдинг зинҳор — печун келдинг?  
Сени севмас эдим, дилдор, печун келдинг?

Висол топгай машаққатлар ила ҳар кас,  
Текин истаб, қилиб бозор, печун келдинг?

Бу кун ётдай, уйим ёқдан утиб лоқайд,  
Билиб-билмай мени такрор, печун келдинг?

### АЙРИЛИКДАН СЎНГ

Ҳаммаси жуғиша бундан буёғи —  
Ҳаётим узун деб билмоғим керак,  
Ювилмоғи керак қалбимнинг доғи,  
Кулбағини ёдимдан силмоғим керак.

Эсга тушсанг — ортиқ «жоп!» деб юбормай,  
Қичқириб юбормай — курсам кучада,  
Соғинсам — тошқотиб ухлайки ҳормай,  
Уйғонмай — тушимга кирсанг — лаҳзада.

Бошқа қизлар бор деб ишонай ҳар дам,  
Номинг-ла чақирмай бировин бехос,  
Севгимизни эсга олганимда ҳам —  
Бу ҳақда бирон шеър ёзмайини холос.

\* \* \*

Позик пайтларда сўзни қуролдай  
ишлатгин билиб.  
Қўрғошин ахир ҳар хил қуюлгай:  
уқ ё ҳарф бўлиб.

Билиб күй: маймун бундай булар банд —  
Овчи кувага ташлаб қуяр қанд.  
Қунлардан бир кун  
Кува қошига келар-да маймун  
Панжасин суқар ва қандни мамнун  
Чангаллар бутун  
Мушт қилиб қўли...  
Аммо нечоғлик урисин толмай  
Ғаиланар муштин чиқара олмай.  
Қанддан кечсинми? — Қўзи қиймайди.  
Муштин тортсинми? — Кува қўймайди.  
...Шундай тутарлар маймунни ҳаргиз...  
Бизга нима?  
Биз —  
Ахир одаммиз.

### ЙҮЛ ДАФТАРИДАН

Бу дунёда  
«Ҳа» ва «йўқ»дан  
қисқа сузин тополмасан, бас.

Бироқ, баъзан  
«Ҳа» ёки «йўқ»  
демоқ учун  
бутун умримиз етмас.

### Т О Ш Х О Ч

Қишлоқ чеккаси, тош йўл — кимсасиз,  
Қўхна қабристон мудрайди ёлғиз.

Она тобути шу йулдан утган,  
Угли ҳам жангга кетмоқда уйчан.

Гуёки йиглаб ёмгирда, дулда,  
Нупанак босган хоч қарар йўлга.

Худди онанинг қоқсуяк қули  
Ортига чорлар ўзининг ўглин.

### БИРИНЧИ ҚОР

Пук, шикоят қилмаяпман,  
Қиш келиб, қор ёққанидан.  
Фақат битта саволим бор,  
Бу йил қачон келиб баҳор.  
Юртимиздан қачон кетмин,  
Ташқарида... наҳотки қиш?

\* \* \*

Менга ҳозир бари бирдир,  
Қувончми бу ё қайғуми.  
Менинг ғамим фақат шеърдир,  
Шеър эса — ёр табассуми.

Сиз бошпана ахтарарсиз,  
Эшик, ойна ёпилар зич.  
Сиз бу бахтдан бехабарсиз —  
Ёмгир менга фақат севишч.

Шалаббоман, бироқ кулгум,  
Ҳуштак чалиб қайтгум уйга.  
Билинг, юрак ҳамда уйим  
Қароргоҳдир шеърга, куйга.

Менга ҳозир бари бирдир,  
Қувончми бу ё қайғуми.  
Мен учун ҳам фақат шеърдир,  
Шеър эса — ёр табассуми.

## МЕНИНГ СЕВГИМ

Ҳар севгининг бошланиши,  
Ҳар севгининг охири бор.  
Менинг севгим бошланмишдир  
Гуё ташлаб кетганда ёр.

\* \* \*

Қолма беун — улим бор-ку дунёда,  
Ярат, қургин — улим бор-ку дунёда.  
Нималарни кутяпсан, қайси кунни,  
Ахир ҳар кун — улим бор-ку дунёда.

\* \* \*

Булак халқлар яшар эди  
ёзги тулни моҳ сингари.  
Куч-қуввати тошар эди  
бир забардаст тоғ сингари

Менинг халқим улар каби  
асрлардан яшнаб турмас:  
юлдуз булиб, ер юзига  
сачраб кетмиш доғ сингари.

\* \* \*

Бу — тош, сен—тирик одам,  
тош устида ётибсан;

сѣнга тѣнг кѣлсин қайдан,  
тош устида ѳтибсан.

Орзу-ю, уйга бандсан,  
шакл берарсан тошга...  
Шошил, одамзод, токи  
тош устида ѳтибсан.

## Ғ А З А Л

Тўлқин отар мовий денгиз, дийдорингга тўйдир мани,  
Қароғинг оч, эй қора кўз, дийдорингга тўйдир мани.

Ҳозирча биз висолдамиз, ҳозирча бул қирғоқдамиз,  
Қолгайму бу қирғоғимиз, дийдорингга тўйдир мани.

Қим ҳам билар бу кемалар қайдин келиб, қайга кетар,  
Не кўрсатар толенимиз, дийдорингга тўйдир мани.

Узи билмас бу тўлқинлар шул қирғоқни токай улар.  
Кўзинг юмма, кўзи юлдуз, дийдорингга тўйдир мани.

## МЕНИНГ ИБТИДОМ

...Ҳеч нарса йўқ эди,  
йўқ эди дастлаб...

Зулматгина бор эди, холос  
ва қоп-қора дераза фақат.  
Деразанинг остида эса —  
Қасахдарё дараси  
ва дарёнинг маънос, безовта,  
илғанмас гулдуроси...  
Лекин бу гулдуросла

ҳали вазн йуқ эди,  
ҳали ҳижо йуқ эди,  
ҳали оҳанг йуқ эди...

Илғаимас илк гулдурос  
эди у, холос.  
Қейин эса туғилди,  
ундан  
туғилиш муқаррар нарса...

\* \* \*

Тасодифга тула бу  
олам аро яна бир  
кутилмаган тасодиф  
рўй берса ҳаётимда  
айтинг, нима бўлади?..

Айтинг, нима буларди  
ҳаётни ўзгартирмоқ  
истагида бир умр  
қийналиб, ёниб келган,  
куйиб, урташиб келган  
(О, ўлмас Дон-Кихотлар!)  
ва Эмин деб аталган  
атомларнинг тасодиф  
шу бирлиги дунёда  
бўлмасайди мабодо?..

Айтинг, нима буларди,  
агар унинг ўрида  
лаҳза каби ўткинчи  
ўз умридан лаззатлар  
туйғувчи оддий банда —  
Эмин яшаб турганда?..

## ГАМГИН ҲАЗИЛ

Қуй, кўп китоб ўқима, жоним!  
Ким унинг тагига етибди!  
Ким уммонни чўмичлаб ичиб,  
куритмоққа жазм этибди!  
Қуй, кўп китоб ўқима, жоним!..

Нари борса, кунига битта,  
битта китоб ўқий оласан.  
Ҳолбуки, купаяр, ҳар кун  
ҳар кун купаяр китоблар...

Ҳатто минг йил яшасанг ҳам,  
барини ўқиб чиқолмайсан-ку...  
Гапларимга қулоқ сол, жоним!

Умр бўйи бошқа иш қилмай,  
агар фақат ўқиб ётсанг ҳам,  
кўкрак сўрган кунингдан бошлаб,  
то волидол сўргуниггача  
зурга беш минг китоб ўқийсан  
(Бу сендан ҳам китобхонроқ  
одамларнинг ҳисоб-китоби...)  
Китоблар ҳам, дунёда, жоним,  
агар билсанг, ўзи бир олам.  
Сенга қолса, ўша умрни  
китобдаги офат касаллик,  
Ва дардларга куйиб ўтказсанг...  
Қуй, кўп китоб ўқима, жоним!..

## СОБИҚ ДУСТИМГА

Ақлли қўзичоқ икки онани эмади.

Мақол

Қўзичоғим, қўзичоқ,  
эй, ақлли қўзичоқ,

эй, сен икки онани эмаётган қузичоқ —  
бунчалар қийналасан,  
турланиб, хурланасан,  
биласан-ку, биласан,  
бир куни... қуй буласан...

## БИРИНЧИ КИТОБ

Севган қизи лабидан илк бор  
бўса олган ўспирин учун  
бу дунёда фақат бўса бор,  
ошиқлардан иборат очун.

Назарида, хоҳ ёш, хоҳ қари,  
унга ўхшаб, оқшомги пайтлар,  
ўпишмоққа боради бари  
ё ўпишиб уйига қайтар.

Қўлтиқда илк китобчам, мен ҳам  
шу ўсмирдай кезаман шаҳар,  
назаримда, ҳар битта одам  
китобчамни ўқиб ўлтирар!..

## Я Р А Т И Ш

Тоғ чоғи ҳассамга суяниб юриб,  
чиқдим тоғ устига яхши ниятда,  
шеърлар шивирладим чуққида туриб,  
очдим юрагимни абадиятга.

Шеър айтган онимда олам кимсасиз,  
ҳаттоки узим ҳам йўқ эдим бул дам,  
турди Абадият ва Олам сассиз,  
Абадият гувоҳлари тоғлар ҳам...

Олам ичра Олам эдим мен шу тоб,  
яратдим мен тангри титроги-ла нур..  
«Нур булсин!» дедим мен, юз очди офтоб  
ва қайтдим шу нурга чулғаниб мағрур.

Шу битта мисрадан маст бўлди қалбим,  
оламда неки бор гузал туюлди,  
келди одамларга яхши сўз айтгим,  
хаммага жонажон дўст бўлгим келди.

Бир деҳқон чиқди-ку, қаршимдан шу чоқ;  
«Салом, ота!» дедим.  
«Худо ёр, болам!»

...Қандай сөз ўзинини Худо ҳис этмоқ  
ва осмон тахтидан тушган бир одам...

## МЕЪМОР ДУСТИМГА

(Обидалар мухлисига)

Роҳибгоҳ, обидалар — сен учун зиёратгоҳ,  
Сендан ортиқ севаман мен ҳам ахир уларни.  
Қачондир мен ҳам фақат шуларни куйлаганман,  
замонамга муносиб куй топмаган кезларим.

Ҳа, қадим ёдгорликлар мен учун ҳам муқаддас,  
лекин ҳар бир хароба ўрнида янгисини  
бамисоли ёдгорлик каби қайта қурмоқни  
кўпроқ маъқул кўраман, севаман шунисини.

Сен-чи, нуқул кавлайсан қадимги қабрларни,  
нуқул лаззат оласан қоқсуяк мурдалардан..  
Боболар ҳам агарда сенга ўхшаб суйсайди  
фақат обидаларни, бугун сени ҳайратга

солган шундай муҳташам гузал ёдгорликларни  
ким қурган булар эди, қани, айг-чи, дустгинам?

## ШОИР ДУСТИМГА

Нима бўлди, айтгин, дустгинам,  
қийнамоқда сени қандай ғам?  
Ё эгисен келганда, алҳол,  
ортиқ эсмай қуйдимн шамол?

Қасирғалар солмоқ учун, айт,  
сурадими қалдироқ рухсат?  
Денгизни муз банди қилдимн,  
ё бургутлар товуқ булдимн?

Бу дунёда, ҳамма билади,  
ҳамма нарса пулга келади,  
пулландимн ёки, дустгинам,  
энг бебаҳо хазиналар ҳам:

Қуёш нури,  
барглар шивирн,  
тонг ҳавосн,  
денгиз навосн,  
тириклик ва улим ҳикмати,  
одамзоднинг меҳру шафқати,  
авваллари булмаган; йўқдан  
ҳозиргина узинг бор этган

шу мисралар, ташбеҳлар, илҳом,  
шу бебаҳо қофиялар ҳам?..  
Нима бўлди, айтгин, дустгинам,  
қийнамоқда сени қандай ғам?

## ҚАРИИБ ХЕЙНЕОНА

О, бу хавфли ночорлик... алҳол,  
уйга кирган қандала мисол  
унгу сўлдан тишлар-да, бизни  
чақиб, сўрар бор қонимизни.

— Одамсан-ку, ахир сен, дўстим,  
нари борса у бир ҳашарот,  
нечун эзиб ташламайсан сен,  
бармоқ билан шартта беомон?

— Ҳеч қандала эзмаганмисан?  
Эзган бўлсанг, билардинг, ҳайҳот,  
чақишига чидаса булар,  
лекин ўлса, сассиғи ёмон...

## ГАМГИН БОҚИЙЛИК

Мен шундай садоқатли  
ва ҳамиша ўзимни  
қурбон қилмоқ учун шай  
турган одам бўлсам-у,  
лекин, жин урсин,  
онг ичаман ҳаётим ҳаққи,  
ки бундайин рангсиз ҳаётда  
наинки хасталик  
ёхуд кексалик,  
жонимни олмасди ҳатто азроил;  
Демакки, боқий қолмоқ  
хавфим бор эди!  
Шундай экан, айбим не, дўстим,  
мен нима ҳам қила олардим,  
нима эди менинг гуноҳим —  
шундайин садоқатли  
ва ҳамиша ўзини

қурбон қилмоқ учун шай  
турган мендек бир одам  
теграсида бўлмаса, ҳайҳот,  
ўзни қурбон қилмоққа  
арзийдиган ҳеч нарса,  
ҳеч ким!..

\* \* \*

«Куз ёмғири сим-сим ёғар далада,  
дарахтлардан япроқ узар совуқ ел...»

...Бу сўзларни ёзмоқ осон нақадар,  
лоқайд бўлсанг,  
ёхуд ҳали ёш бўлсанг,  
қалбинг тўла баҳор бўлса, нур бўлса,  
шунчаки сўз бўлсаю бу мисралар,  
шунчаки бир ташбеҳ бўлса, шеър бўлса...

Лекин қалбинг сим-сим санчиб турган дам  
бу гапларни ёзмоқ огир, кўп огир,  
Дарахтлардек баргинг юлиб шамоллар,  
ёғиб турса гар ичингга муз ёмғир...

«Ҳамду сано» айтган каби ўзингга  
такрор этсанг ушбу байтни сен агар,  
ташбеҳ эмас, санъат эмас, у маҳал  
унда сўзлар қорли тоққа айланар:

«Куз ёмғири сим-сим ёғар далада,  
дарахтлардан япроқ узар совуқ ел...»

## Б У Ё Ш Д А

Бу ёшда кўп даҳолар  
ўлиб кетган эдилар,  
жангда йитган эдилар

Ё Ватан деб, дунёдан  
эрта ўтган эдилар...

Ё тожу тахт макрига  
қурбон бўлган эдилар,  
ёки сўлган эдилар  
замоиа зиндонида;  
ё эзилган эдилар  
курашлар сандонида...

Ёки ҳаёт майинга  
тўйиб, толган эдилар,  
ёки шуҳрат тожиини  
кийиб олган эдилар;  
Ё кўриб эркин нафас  
ола билмасликларини,  
ҳам янгича, ҳам теран  
ёза билмасликларини,  
ёмон чиққан сатрдек  
қора чизиқ тортганлар  
ҳаётлари устидан  
(ё осган, ё отганлар).

Қимки агар бу ёшда,  
тирик қолса, шер бўлур,  
агар ошиқ бўлса у,  
биллинг, яхши эр бўлур;  
Талантли артист бўлса —  
бас, санъат арбобидир;  
бўлса машҳур паҳлавон —  
бўлур оддий тренер;  
Шоир бўлса исёнкор —  
маддоҳ бўлур уивондор;  
Панд-насиҳат қилади,  
хотиралар ёзади;  
мукофотлар олади,  
чет элларни кезади...

Бу ёшида қолур ёш,  
кимки магрур тутса бош,  
ким бўлса чиндан буюк,  
бўёғи раиғин, қуюқ;  
Нур ёнмоғи — табний,  
гул усмоғи — табний,  
Одамнинг нафас олиб,  
Қун кўрмоғи табний  
бўлганидек гар мудом  
табний бўлса илҳом  
ва фикри бўлса беҳад,  
ҳам юксак, ҳам бесарҳад —  
билинг, унга ёмон йўқ,  
унинг учун замон йўқ,  
унга йўқдир ҳатто... ёш.

\* \* \*

Кўрсанг ҳамки қишги илк қорни,  
сен куйлайсан ҳамон баҳорни.

Сен куйлайсан ишқни, гулларни,  
юлдузларни, поэтик қўлларни.

Дунё мисол, ошноқ қор мисол  
адо бўлмас ҳисдан бир мисқол

ҳадя этиб бу оламга сен,  
дил очасан ҳар одамга сен...

Вақти бўлди, бепарво эй чол,  
шеър кулини тарк этиб дарҳол,

ўзни наср уммонига ур,  
йўқса ахир ўйлаб кўр чуқур,

узоқ йиллар тахлаб, авайлаб,  
неки олдинг қалбингга жойлаб,

уни элга етказди ким,  
агарда сен ёзмасанг, дўстим?..

Хўш, қадимги мана бу ҳикмат,  
сени қўллаб юбормасми, айт?

«Баҳор чоғи қуш булиб куйла,  
қиш келганда эртақлар сўйла».

\* \* \*

Ёмғир ёғар шигалаб, баҳорий майин ёмғир,  
лекин бугун у мени завқлантормас сира ҳам.

Пайдо бўлди осмонда, ана, рангин камалак,  
лекин мени у бугун завқлантормас сира ҳам.

Осмон тезда булутдан фориғ булур батамом,  
лекин ҳозир мен буни кутмаяпман бесабр.

Иш куними, байрамми, якшанбами бугун кун? —  
менга асло фарқи йўқ, бугун менга барибир.

Қимлар учун, не учун шеърлар ёзмоқдаман мен,  
борми менинг шеъримга муҳтож булган бирор зот?

Шундоқ уйим ёнида қурмоқдалар янги йўл,  
Ортиқ борар жойим йўқ, қайга борай мен, ҳайҳот?..

### ШОИР ТАҚДИРИ

Мени бунча асир этган нима у? Нечун  
дўстларимни, дарсларимни,  
ўйинларни унутдим у шоир булдим мен?  
Шоир булдим, айтмиг, нечун, мен шурлик бола?

Қалам тутдим нечун титроқ қўлларим ила?  
Нечун сезгир қалбимнинг дардларидан букилиб,  
нозиккина елкамга шунча катта юк олдим?  
Нечун маҳкум бўлдим мен ҳаётни ҳис этмоққа,  
ундан нигоҳ илғамас маънилари топмоққа?..

Бошида осонгина кўриган эрмак эди,  
бошланиши ажойиб ҳам жуда қизиқ эди! —  
ҳар табассум, ҳар бир сўз лаҳзада шеър буларди,  
севгининг ҳар шивири булар эди бир дoston...  
Қайдан билай, мен бунинг ҳам башару ҳам олам  
олдида буюк қасам, бешафқат бурч эканин?  
Қайдан билай, шоирдан ўз-ўзин уртамоқни  
талаб қилиб турмоғин доим илҳом париси?  
Бунинг учун бор умрим етмаслигин ҳам ҳатто!..  
Ал-кимёгар дўстларим, шеър сайъати нақадар  
ухшаб кетар сизларнинг оғир ҳунарингизга!  
Неча йиллаб оловдан кўзинг узмай мунтазир,  
мана, етдим, деганда, олтин эмас, кўзингни  
олтингугурт тутуни, заҳарли, аччиқ тутун  
ачитса ҳам беасв; била туриб энг сўнгги  
оловнинг ожиз тили — энг охириг умидинг  
ҳадемай, сўнишини ва олтининг йўқлигин,  
ҳа, излаган олтининг йўқлигин била туриб,  
аччиқ дуддан кўзларинг хира тортиб кетса ҳам,  
қайта-қайта ёқмоққа мажбурсан сен оловни!

Чунки сенинг ороминг фақат изланишларда...

\* \* \*

Йўқ, йўқ, тушунмайсан, энди қўлимдан  
бошқа бирорта иш келмаслигига.  
Негаки, шу утган барча йилларда  
фақат сени дедим, сени куйладим,  
ишим сени олқаш булди, жонгинам.

Мана, етук ёшим келдино энди,  
жазо дафтариини кўрсатди, нетай,  
айт ўзинг, айт, ахир,  
мен нима қилай?

Анча бўлди, бошоқлардан  
тукилмоқда пишган дон.  
Мен эса умрим бўйи факат сени куйладим, —  
бошқа ишни билмадим,  
ҳатто буғдой урмадим, уролмайман,  
ҳатто бошоқ туймадим, туёлмайман...

Мана энди, шу ёшимда, кекса ёшимда,  
огир савдо туниди, жоним, бошимга,  
гадо янглиг турва осиб уйма-уй,  
хайр сўраб юрибман,  
шу ёшимда, қирчиллама ёшимда  
насибамни сендан тилаб турибман...

Белкурак ер қазади, унга ҳавас қиламан,  
ўроқ буғдой ё ўт ўрар — унга ҳавас қиламан,  
Болға темир тўгрилар — унга ҳавас қиламан,  
ҳатто сандон иш билар — унга ҳавас қиламан...

Мен-чи, ишқ шайдоси, савдойи сўқир  
ибодатхонага қатнадим нуқул,  
на ундан самовий салтанат топдим,  
на етдим ердаги пон-насибамга...

Тушунмайсан, йўқ, йўқ, менинг қўлимдан  
бирор иш келмайди, бирор иш келмас —  
сенинг севгингини мадҳ этмоқдан ўзга...  
Ҳозир эса келар фақат қўлимдан бир иш —  
на шуҳрат, на хизмат, на-да пон берган  
барча ибодатимдан жимгина юз ўгириш...

Энди нима қилмоқини жуда яхши биламан,  
қай сабоқдан юз бурмокни,

қайси ишни қилмоқни...

Эртагаёқ умримни қайта бошлашим мумкин.

Аммо дерлар, қирқ ёшда най чалмоқни

урганган,

фақатгина қабрда, ҳа, қабрда чалади.

\* \* \*

Нақадар севаман, Арманистоним,  
Йуллар, тераклар ва қушиқларингни.  
Мангулик ақиқан далалар — жоним,  
Севаман осмонинг, ҳур қушларингни.  
Ёмғирдан кейинги умринг севаман,  
Тонгги уримларнинг хуш буйини ҳам.  
Тоғларинг ҳамиша булсинлар омон,  
Улар ҳайкалларинг — пурвиқор, уктам.  
Севаман баҳорий кечаларингу,  
Сулув тонгларингни орзиқиб фақат.  
Насибам тугаб гар куз юмсам мангу,  
Ҳаёт ҳаққи билан севаман абад!

\* \* \*

Қор ёғар,

Қор... қор...

Зимистон йул комида

Қиз йиғлар — тентир бедор...

Қузёшлари шанқатор,

Нечун дайди у, абгор —

Янги йил айёмида?

Ё сездими, беқарор

Бу ҳаёт ҳар юракда

Уй қуришни ғам кун бор?

О, балки шунга иқро  
Қор — күзёшин ютар зор  
Тентиб қоронғиликда?  
Ё энди бахт қайтмас деб,  
Уйларми ич-этин еб,  
Бахт, ахир, куп нобакор...  
Эҳ, тентак, билмас ҳали,  
Худди шу қор сингари  
Неки бор: утар бари,  
О, бу күзёшлар бекор!

Қор ёгар, қор...

\* \* \*

Марҳабо, Севинч, —  
Танҳо келмаган бўлсанг  
Ва зеро  
«Бир гул очилмоғи — баҳор эмас».

Марҳабо, Орзу, —  
Ки агар бўлсанг жасур, мардона  
Ва йўлинг бўлса сермашаққат, бас.

Салом, Қашшоқлик, —  
Синамоқ эрсанг, мана, продам,  
Ҳаётимни топтама фақат.

Салом, Бахтсизлик, —  
Агар бу карра, агар бу сафар  
Ёлғиз келган бўлсанг, марҳамат...

Бу кўҳна тарил.

X. Ҳейне

Қиз йигитни севар эди садоқат билан,  
тайёр эди тапламоққа жасорат билан —  
чуққидан бир сузи учуи узини ҳатто.

Ҳигит эса узга қизнинг олдида чукиб,  
турар эди тошқотган кўзёшларин тўкиб,  
гарчи улар ёлгон эрур ва гарчи сохта.

\* \* \*

Аччиқ-аччиқ йиғламоқ  
Беҳудадир  
ва ҳатто  
Умринини бахш этсанг ҳам  
Доим вожибдир қазо.

Муъжиза ўзи ҳаёт,  
Ўзга муъжиза йўқдир.  
Ажалдан зўр муҳаббат  
Ва лекин... ўлим ҳақдир!

### СЕНИНГ ҚУЛЛАРИНГ

Қулларинини севаман жуда,  
Қанча-қанча йилларки, мана, —  
Қучар барча қуллардан ортиқ,  
Лекин ҳолим танг қилмас... йўқ, йўқ.

Мени айлар ҳокими мутлақ,  
Ўзлингидан тондирмас бироқ.

Халқасига узукдай урар,  
Аммо бўғмас,  
балки қутқарар

Чукканларни қутқазган янглиф  
Қулларинг соз,  
майин,  
ип-илиқ.

Қафтингдан — мен —  
қуруқ чиганоқ  
Аста-секин, оҳиста бироқ, —  
Марваридга айланадурман...

Қулларингни севаман.

### «СЕВАМАН...»

Лаънати лаблар!  
Бу сўзни  
шивирламадингиз  
кимларга

уз севгилимдан...  
узга.

\* \* \*

...Шунча яшадиму ёруғ дунёда  
эндигина тушуниб етдим:  
энг оғир ва  
энг муҳим  
гапни.

Яъни:

Инсон узин бахтиёр деб билмоқ учун  
бир дам бўлса-да бахтсизлигин  
сезмаслиги керак экан аввало.

Англадиму  
ва лекин мен  
уддалай олмасман буни.  
Бунга сиз,  
фақат сиз қодирсиз,  
дустларим менинг!

\* \* \*

Булдинг сен меҳмон  
уйсиз юрган дам.  
Қутдинг базму шон,  
Мен чекканда ғам...

Сени туш кўриш  
Бирдан-бир хоҳиш —  
Қандай кўрай туш,  
Қочган уйқу ҳам?

\* \* \*

Ўғирлик — бу тенгсиз гуноҳ,  
ўғирликка қўл урма ҳар дам.  
Геворг Эмин этар огоҳ,  
ўғирликка қўл урма ҳар дам.  
Ўғирламоқ шарт бўлса гар  
ўғирлагил ёр қалбин фақат,  
Хушбахт бўлсин то ўғри ҳам,  
ўғирлатган қалб эгаси ҳам.

\* \* \*

Кўзинг ерга тикма, жонон,  
кўзим тўйиб боқсин сенга.  
Севги билан гўзал жаҳон,  
кўзим тўйиб боқсин сенга.  
Ким билади, мени қандай,  
сени қандай йўллар кутар,  
Бизни аяб қўймас ҳижрон,  
кўзим тўйиб боқсин сенга.

\* \* \*

Шиша урса гар тошга бош,  
Кимга жабр? Шишага не!  
Бош урса гар шишага тош,  
Кимга жабр? Шишага не!  
Уй ёнидан сен ўтдингми,  
Мен ўтдимми — не фарқи  
Кимки севса, шу тўкар ёш,  
Кимга жабр? Шишага.

### ЛОРИ ТОҒИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Ўтиб бўлмас юксак Лори тоғида  
Ҳориб-толган отим одимлар секин.  
Қувнайман — гўзаллик ҳаммаёғимда,  
От эса бепарво элтар уз юкин:

Гар йўл машаққатли, юк бўлса оғир —  
Гўзалликин илғаш қийин-да, ахир.

\* \* \*

Ёзмам узра эгилган чоқ  
соянг тушди шеъримга, ёр.

Севгинг дилда гуё чироқ,  
    соянг тушди шеъримга, ёр.  
Билсанг, уша кундан кейин  
    қайга бормай, пени ёзмай,  
Сенинг соянг тушар тайин,  
    соянг ҳар бир сатримда бор.

### ТУНГИ МАНЗАРА

Тунги сукунатда шитирлар терак,  
Қайғули шитирлар этар экан хит.  
Тупроқ том устида акиллар кўппак,  
Балки у кўргандир ойда бошқа ит...  
Тоғ улкан туяга ўхшаб ҳам кетар,  
Турар қўнғироғи олисда куйлаб.  
Ўркачида кўҳна қишлоқни элтар  
Асрларни кўрган узун йўл буйлаб...  
Оҳиста... оҳиста... терак шитирлар,  
Бутун дунё соқни ухлаган чоғи.  
Тимқора осмоннинг бағрида оқар  
Фақат Сомон йўлни олтин ирмоғи...

### ҚАДИМ ҚУЛЕЗМАЛАР УСТИДА

Мугни бутхонасини туш кўрдим бир бор:  
Тун бўйи тулғониб чиқмишман бедор.

Мен — шоир, тарихчи, мусаввиридрок,  
Аштарак қишлоқда туғилган Геворг,

Мен — гуноҳкорларининг биринчиси ё  
Авлиёлар ичра сўнгги авлиё.

Тун бўйи муножот қилдим: — Худойим,  
Афу, эт, билмадим, қайдини гунойим,

«Муқаддас бухур» деб ёз, дерлар, оят,  
Мен-чи, атиргулни хуш кўрдим гоят.

Битмай туриб «Исо михланган тахта»,  
Мадҳ этдим: ҳаёт бу — яшил дарахт-а!

Биби Марям, қолиб сенинг юз-кўзинг,  
Чиздим мен Инжилга деҳқон қиз кўзин.

«Валилар умри»га шаккок сиёҳда  
«Арзнома» битдим мен таирига гоҳда.

«Май — зайтун мойи», деб, созлаб созимни,  
Куйладим утлоқда утган базмни.

Хужрамда мен бидъат аҳлининг қадим  
Неча қўлёмасин асраб келгандим.

Хужрам деворига, гуё пожониз,  
Раққоса чизилган, эрта шу, бонс

Тонгда бутхонага, ҳовучлаб юрак,  
Жавоб бермоқ учун бормоғим керак...

Асрлар келди-ю, асрлар кетди,  
Неча ракеталар юлдузга етди!

Бутхона — вайрона, бойқушлар — тинсиз,  
Мен-чи, тулғонаман ҳануз уйқусиз.

### «СИАМАНТО»\* ДРАМАСИДАН МОНОЛОГ

Ким уйлаб топди бу қабиҳ фикрини,  
Оқ қорли Араратни,  
Тошқин сувлар ила тоза ювилган Араратни

\* Сиаманто — атоқли арман шоири, 1915 йилда турк жаллодлари томонидан уюштирилган қирғин куни ҳалок бўлган.

Бу кенг ва бепоён дунёда  
Айни шу жойга —  
Неча асрлар ён бағирларин,  
Ҳатто чуққиларин ҳам  
Қовлар босадирган бир жойга  
Ўрнаштирамоқни ким ўйлаб топди?..

Кимнинг калласига келди бу фикр,  
Бизнинг еримизин — афсонавий жаннат юртини  
Дузахга айлантирмоқ,  
Бизга эса ватан урнинг —  
Топталган эски йўл,  
Ер урнинг — тош,  
Сув урнинг — қон бермоқ фикри?

Кимнинг калласига келди бу,  
Кишилиқ тарихин тоигларидаёқ  
Қадим халқимизнинг доно бошини  
Бир қўшинининг қонли қиличи остига қўймоқ,  
Бошқа бир қўшинининг қўллари билан  
Жисмин халос этмоқни бўлган  
Элнинг руҳин талаб айламоқ?..  
Ва агар утган ул асрлар  
Халқин қутқармоққа ожиз эсалар  
Ва агар келажак асрлар  
Халос эта олмаса уни  
Ва ягона халоскорлик ҳам  
Боглиқ бўлса бир мўъжизага, —

Тагрим,  
Мен пайғамбар Мусо бу танин  
Меннинг халқимни  
Ўзинг лаънатлаган бу жойдан —  
Армон юрти — Ҳаястондан,  
Йўқ, тош юрти — Карастондан,

Ажал юрти — Маҳастондан  
Бошқа бир бехатар манзилга  
Кучирмоқ иложин бер менга,  
(Ҳайҳот, Ер шарида борми шундай жой?..)

Менинг жабрдийда халқимни,  
Унинг кўҳна илдизларини  
Китоблари, қўшиқлари, ёдгорларини  
Кучирмоқ иложин бер менга!..

Бер менга — мен шакаргуфтор куйчига  
Мусонинг сеҳрли соқовлигини  
Ва дуч келган ҳар битта тошдан  
Булоқлар очгувчи қиличини бер:  
Бизнинг қисматимиз Қизил денгизин —  
Қўз ёшу қонимиз баҳрини  
Ермоқ учун таёгини бер!  
Улсам ҳам майлига  
Мусо сингари  
Етмай туриб орзу Еримга,  
Ҳатто унинг остонасида,  
Қолса ҳам бегона юртда мозорим...

О, тангрим,  
Наҳотки, сенга ҳеч етиб бормаиди.  
«Қизил хабарларим»\* — қоним, оҳ-зорим?!

\* \* \*

Секинроқ гапиргил Арманистонда, —  
Бу ерда ҳар чуққи ва ҳар битта-гор  
Акс-садо бериб янграгай такрор  
Ва ёяр сўзингни бутун маконда.

---

\*«Қизил хабарлар» — Сиаманто шеърӣй китобининг номи.

Агар эзгу булса айтган каломинг,  
Қадимий тоғлар ҳам чин эҳтиромин  
Чуққисин эгганча айлағай изҳор,  
Сенинг шарафингга булғай пойдевор.

Сүзинг ёмон булса, тоғда вулқонлар —  
Жим турган, сунмаган оташ қурғонлар  
Даҳшатли оғзи-ла сүзингга шу тоб  
Оловлар сачратиб айлағай жавоб,  
Изингни учирғай тоғли маконда, —  
Секироқ гапиргил Арманистонда.

Секироқ қадам бос Арманистонда,  
Тоғларининг сўқмоғи ёлғизоёқдир,  
Иккита йўловчи сизмас, бир онда  
Юзма-юз келсалар — аҳвол чатоқдир.

Агар йўловчига дўстсан беғараз,  
Бир қучоқлашғайсан — утиб кетғайсан.  
Агар сен ганимсан зимдан, шу нафас  
Сўқмоқдан дарага учиб кетғайсан.

Сенинг таширфингга ким ҳам гувоҳдир,  
Қим ҳам улимнигдан қолғай армонда?  
Тоғларининг сўқмоғи ёлғизоёқдир,  
Секироқ қадам бос Арманистонда,

Секироқ иш кўргил Арманистонда,  
Асрлар булмаган бунда тожу тахт,  
Шу бонс ҳар арман — ўз-ўзига шоҳ,  
Лашкару қурол ҳам булмаган ҳеч вақт,  
Ҳар арман ўзига генералдир, оҳ!

Ҳар арман — бир чуққи, юксак, пурвиқор,  
Ҳар битта арманнинг ўзга феъли бор.  
Ҳар арман ўзига Арманистондир,  
Шу бонс қисмати бутун жаҳондир.

Бир-биридан айро ва лекин бир тан,  
Бир жон булур ғаним солса қатагон,  
Хавф солса қадимий бу элга душман,  
Юксак чуққимиз-да енгилмас қурғон.

Биз учун мана шу она Ватан-да  
Секироқ иш кўргил Арманистонда!..

### ЖАНГГА ҚЕТАЁТГАН ШОИРГА

Англадингки, беҳуда ишдир  
Водийларга қадамоқ уруф  
тоғдан отилганда ваҳший бир тошқин,  
Ва бўлажак экинчига сен  
жуякларни қолдириб қуруқ,  
ёвузликка қарши жунадинг шошқин.

Кетмоқдасан ўлим жангига,  
аммо қўрқув сенга етти ёт,  
ахир, енгмасмидинг ҳар кун ўлимни,  
бу чирик ҳаётда илҳом-ла  
ажални ҳам рад этиб, ҳайҳот,  
ҳидлаб мангуликнинг ажиб гулини?!

Бор, шуҳратинг буюклигини  
ўлим ила кўргил таққослаб;  
инсон инсон бўлиб  
туғилар сўнгроқ.  
Олов синовлардан ўтказгил  
мард юракни хатарга бошлаб,  
чинакам юртпарвар —  
жангларда чироқ.

Боргил, агар жанг майдонидан  
бир қўл билан қайтсанг мабодо,

Улим кўрган бу қўл  
баридан зўрдир.  
Бу қўл тупроқларга кўмилган  
нариги қўлга таяниб ҳатто  
Ерни айлантириб  
турмоққа қодир!..

Боргил, ушал жангдан кўр бўлиб  
қайтсанг ҳамки, ўлимни енгдинг,  
ҳаётни кўрдинг-ку,  
қолдими ками?!  
Янги Трояда юмилган  
кўзларингда порлагай энди  
Ҳомер башорати — келажак гами!..

## ҲАМЛЕТГА

Сен билан кўп кездик, Ҳамлет, вассалом, —  
Йўл айри — видога етибдир фурсат.  
«Ё ҳаёт, ё мамот» деган масала  
Бизда йўқ. Вақт тигиз, вақт бешафқат.

Отанг арвоҳимас, угил қўли-ла  
Қасос олмоқ бўлиб қабрдан келган..  
Энди бутун дунё тақдири, Ҳамлет,  
Қиролнинг қиличи остида қолган.

Ҳамлет, сен қиролни англаяпсанми?  
Кўзларинг кўрми ё жанг суронидан?  
Қаёққа, шаҳзода? Тинглаяпсанми,  
Занжир жарангини  
Данемарк\* ёшидан?

---

\* Данемарк — Дания қироллиги.

Ҳеч кимни қутқазмас уй ва шубҳалар  
Ажалдан, қувғиндан, хиёнатдан ҳам.  
Офелия ҳам, сени «келар, қутқарар», —  
Демасдан, тебранар... дорда ушбу дам.

Саҳнага тақамоқ жоизми, тўхта,  
Қуйгил актёрларни, тергов хатодир.  
Хиёнат — дунёнинг кузи олдида,  
Қасос ҳам вақтида олинаётир...

Недир демокчисан? Ҳамлет, қуй, кетдик,  
Бундай кун сўз ожиз, ёзилмас дилим.  
Алам инсоният бўғзига етди,  
Шубҳа — гуноҳ бўлса, кечикиш — улим!

Ёп, қонга бўялган меҳр саҳфасин,  
Қулиниги бер менга — жангчи шоирга.  
Сунгги кўриниши яқин саҳнанинг —  
Қиролга биз қабр қазирмиз бирга!..

### ПИЕДА АСКАР ҚУШИҒИ

(«Руминия шеърлари» туркумидан)

Кеча, кундуз, оқшом ҳам — бирдай,  
Бир хил кечар аввал-охири,  
жанг йўлининг йуқдир поёни —  
чексиз сафлар — тунд ва тетиклар.  
Бир хил қайғу ва бир хил даҳшат,  
ўша, бирдай яғринлар — терли,  
ўша, бирдай чангли этиклар.  
Неча қишлоқ, бекат ва шаҳар  
кўз унгимдан утдилар турли,  
ўтди неча давлат — омонат  
пойдеворга қўйилган тиклаб.  
Нени кўрдим? Нелар эсимда? —  
ўша, бирдай яғринлар — терли,

уша, бирдай чангли этиклар.  
Даҳшатлидир юриб мудрамоқ,  
уйғонмоқ-чи, минг бор хатарли.  
Кўз юмдимми, бирдан кўринар  
уйим, боғим, ҳовли-эшиклар,  
кўз очдимми, кўринар ҳайҳот,  
уша, бирдай яғринлар — терли,  
уша, бирдай чангли этиклар.

Ҳаловат йўқ. Олдинда — олов,  
ортда — трибунал, таъсирли...  
Беш кун таътил бўлсайди, кошки,  
кўринмасин токи ҳадиклар —  
менинг ҳорғин, мунгли кўзимга —  
уша, бирдай яғринлар — терли,  
уша, бирдай чангли этиклар...

Бефойдадир, ҳайҳот, олдгами,  
ё ортгами қарамоқ сирли,  
элтар, элтар фақат тупроққа  
бу тунд, чексиз сафлар тириклай;  
қабрда ҳам кўрингай, тангрим,  
уша, бирдай яғринлар — терли,  
уша, бирдай чангли этиклар!..

\* \* \*

Хар қандай донишманд  
неки ёзмасин,  
нима ҳақда, қай йўсида  
юритмасин сўз,  
Бебақо, ўткинчи умр ҳақида  
ўнгиган ва эски кундалик  
телефон дафтаричалик  
айта олмас хўб ва соз.

Бу меним дафтарим,  
бу уз ёзувим,  
меним — бу имзо.  
Лекин номатълум, нотаниш  
бу қандай номерлар?  
Қимники бу адрес,  
бу қандай кўчадир,  
бу кимнинг исми?

Улар аллақачон  
рихлат сари тутмиш йул,  
Личик тасаввурга айланиб жисми...

Биридан биргина суз қолмиш ёдгор,  
бошқасидан сурат ёки хотира  
ва фақат бир номер узгармай турар  
кимки терса уни боғланар бир бор  
қабр, хотиралар ва тупроқ билан...

О, бу унгиб кетган дафтарча —  
Хотиранинг қадим тарихи...  
Балки, унинг менга йўқ зарра дахли,  
Меники демоққа эмасман ҳақли.  
Балки, эгаси ҳам бутунлай бошқа?

Эҳтимол, узгариб кетдим шу қадар:  
Мен — мен эмас, бугун  
бошқа бир одам?...

\* \* \*

Билмоқ ва англамоқ бошқа-бошқадир...  
Нима ҳақда куйлар қора чигиртка? —  
Мевалар тўкилди хазонрез чоғлар,



\* \* \*

Ғира-шира тоғ,  
Мудрар эди боғ.  
Җажжи олчадан  
Уздим бир балдоқ.

Сесканди олча  
Ёш жувон сиёқ.

Ҳаяжонимдан  
Танамда титроқ,  
Қирмиз сирғасин  
Ечгандим ногоҳ.

\* \* \*

Қиш пойимга ёзди якандоз,  
Қор бурони рақс тушар теваракда.  
Ишқ гулхани ёнар экан юракда,  
Ёш нима деган гап, нимадир аёз.  
Рақс тушар кўз ўнгимда гўзал Анитра,  
Соғинчли қўлларин чўзар Ингрид.  
Орзулар улғаяр ниҳол сингари,  
Кундан-кун туйғулар тиниқиб борар.  
Нимадир бу аёз, кексалик қори,  
Қўпса қор бурони гоҳ юракда ҳам?  
Қалбим севинч тўла ташлайман қадам,  
Ишқ гулхани гурлаб тобора.  
Ингрид, соғинчли қўлларингни чўз,  
Кўз ўнгимда ўйна, гўзал Анитра!  
...Топурман у сокин уйни албатта,  
Сольвейггинам тикар йўлларимга кўз.

Чин севги — поёни йуқ, бесарҳад уммон,  
 Қанотинг йуқ экан, нечун келдинг, айт?  
 Севиклим, нозигим, қалдирғочгинам,  
 Муҳаббат севинчмас, муҳаббат — ҳасрат.

Севги уммони — бу бургутга маскан,  
 Биргина у қодир утмоққа учиб.  
 Магар қалб қанотсиз, бургут эмассан,  
 Хатарли бу ишга жазм этдинг нечук?

Учиб келдинг, жоним, ўз раъйинг билан,  
 Жону жаҳонингда бир ўт ловуллар.  
 Насиб этармикан етмоқ соҳилга,  
 Ҳалок этмасмикан довуллар?

Темир қанотларинг, ёз, майли, эркам,  
 Балиқчи қуш қушиқлари кўмакка шошар.  
 Утинчим, фарқ бўлсанг, ўкинма мендан,  
 Севги уммонида бургутлар яшар!

Уйлайман, узала тушганча ерга,  
 Бунда қадимда ҳам кўкарган кўкат.  
 Кейин барпо бўлди узумзор боғлар,  
 Уйлар ва ҳайкаллар тикладилар қад.  
 Кейин шу тупроқни топтади уруш,  
 Инсон ўз қавмига келтирди қирон.  
 Кўкарди майсалар ўрнида мурда,  
 Дарахтлар ўрнида — занглаган қурол.  
 Кейин... кулга айланди бари,  
 Соврилди шамолда ҳаёт излари.

Тақир ерда тагин куйлаб оқди сув,  
Майсалар таралди нурдек бир сулув...

Неча бор кукарди куйиб-кул булиб  
Майсалар қайтадан куйламоқ учун?  
Қараиғ, ер номусдан қизарди ҳатто,  
Одамлар, Сиз бунча лоқайдсиз, нечун?!

## МУНДАРИЖА

Аштаракдан чиққан шоир. <i>Муҳаммад Али</i>	3
---	---

### *Зулфия таржималари*

«Истайманки...»	5
«Икков учрашиб бирга»	5
«Қизим, айт...»	6
Арманистон олмалари	7
«Менинг онам сўзлар шу қадар сокни...»	7

### *Ҳамид Гулом таржималари*

Эҳ, бу Масис	8
«Иккимиз — мен ва тоғ...»	9
Дуойибад	10
Тер-Зор ажал лагерида.	11
Дарахт	12
Олма	13
Ягона қофия	13
Қадаҳ	14
Комитасга	15
Артистка Арус Восканян тобути тепасида	16

*Мирмуҳсин таржимаси*

Ватанимга	16
-----------	----

*Асқад Мухтор таржималари*

Биз	17
Турна ҳақида қушиқ	20
Арман қувғиндисининг қушиғи	22

*Жуманиёз Жабборов таржималари*

Арман фарзандиман	24
«Агар сенга бу дафъа»	25

*Ҳусниддин Шарипов таржималари*

Соатга боқаркан	26
Йигирманчи аср	27
«Йигирманчи аср, дунё деган қаср»	30
Ким бор	31
Шоҳсупа	33
Девор	35
«Хоҳи яхши атанг, хоҳ атанг ёмон...»	36

*Охунжон Ҳакимов таржималари*

Рояль	36
«Минг шукрим...»	38
«Қояларга ишқаб...»	39
«Лаура ва Петрарка» поэмасидан монолог	39
«Улкан қуёш»	40

«Қордан...»	41
«Эшикка чиқсам бас...»	42
«Кел, бу оқшом...»	43
«Оҳ, нақадар гўзалсиз, отлар...»	44
«Бу нима?»	44

*Эркин Воҳидов таржималари*

Обида	45
Савол аломати	47
Мен севаман барча тилларни	46
Келажакка	50
Гарсиа Лорка ҳақида шеърлар	50
1. Фарёд	50
2. Туш	51
3. Сўнгги сўз	52

*Раззоқ Абдурашид таржималари*

Хат	53
«Қор...»	53
«Офтобга юзланар...»	55
Испанча рақс	56
Ер билан осмон	58
«Қуриб кетсин бундоқ кажбахт бахт-а...»	60

*Миразиз Аъзам таржималари*

Сенга, севгилим	60
Қўҳна Ереванда ёмғир	61
«Мен боққа борардим...»	64
«Сувлар гувиллайди...»	64
«Тоғлар бор тоғларда...»	65

«Арманистон тоғларида...»	65
«Сендан олис кетмасам-да...»	65
«Баланд тоғдан...»	66
«Эй, бахтли шеърларим...»	66
«Зулмат чўкди...»	66
«Ёдга тушаверар...»	66
Талаба қўшиғи	67
Севилмаган кизга	67
Айрилиқдан сунг	68
«Нозик пайгларда...»	68
«Билиб қўй...»	69

*Рауф Парфи таржималари*

Йул дафтарида	69
Тош хоч	69
Биринчи қор	70
«Менга ҳозир бари бирдир...»	70
Менинг севгим	71
«Қолма беун...»	71
«Бўлак халқлар яшар эди...»	71
«Бу — тош, сен — тирик одам...»	71
Ғазал	72

*Сулаймон Раҳмон таржималари*

Менинг ибтидом	72
«Тасодифга тўла...»	73
Ғамгин ҳазил	74
Собиқ дустимга	74
«Қўзичоғим, қўзичоқ»	74
Биринчи китоб	75
Яратиш	75

Меъмор дустимга	76
Шоир дустимга	77
Қарийб Ҳейнеона	78
Ғамгин боқийлик	78
«Куз ёмғири»	79
Бу ёшда	79
«Курсанг...»	81
«Ёмғир ёғар шигалаб...»	82
Шоир тақдири	82
«Йуқ, йуқ, тушунмайсан...»	83

### *Лазим Суюн таржималари*

«Нақадар севаман, Арманистоним...»	85
«Қор ёғар...»	85
«Марҳабо, севинч...»	86
Эртак	87
«Аччиқ-аччиқ йигламоқ...»	87
Сенинг қўлларинг	87
«Севаман...»	88
«...Шунча янадим-у...»	88

### *Эргаш Муҳаммад таржималари*

«Булдинг сен меҳмон...»	89
«Ўғирлик — бу тенгсиз гуноҳ...»	89
«Кузинг ерга тикма...»	90
«Шиша урса гар тошга бош...»	90
Лори тоғида ёзилган шеър	90
«Ёзмиш узра эгилган чоқ...»	90
Тунги манзара	91

### *Мирза Қенжабоев таржималари*

Қадим қўлёзмалар устида	91
-------------------------	----

«Сиаменто» драмасидан монолог  
«Секинроқ гапиргил Арманистонда...»  
Жангга кетаётган шоирга  
Ҳамлетга  
Пиёда аскар қушиғи

*Саъдулла Ҳаким таржималари*

«Хар қандай донишманд...»  
«Билмоқ ва англамоқ бошқа-бошқадир...»  
«Қандай яхши, ёшсан, кучли ва бебок...»  
«Гира-шира тонг...»  
«Қиш пойимга ёзди якандоз...»  
«Чин севги — поёни йуқ, бесарҳад уммон...»  
«Ўйлайман...»

*«Библиотека Дружбы»  
Поэзия народов СССР*

*На узбекском языке*

**ГЕБОРГ ЭМИН**

**ДВАДЦАТЫЙ ВЕК**

Стихи

Перевод с издания издательства «Советский писатель»  
«Век. Земля. Любовь.», М. 1976 г.

Редактор *М. Аъзамов*

Рассом *О. Бакликова*

Расмлар редактори *А. Мамажонов*

Техн. редактори *М. Мирражабов*

Корректор *З. Ғаниев*

ИБ № 2952

Босмахонага берилди 19. 01. 85. Босишга рухсат этилди 19. 09. 85.  
Формати 70x90 1/32. Босмахона қоғози № 3. Янги-оддий гар-  
нитурa. Юқори босма. Шартли босма л. 4,09. Шартли  
кр.-оттиск 4,38. Нашр л. 4,34. Тиражи 5000. Заказ № 110.  
Баҳоси 50 т.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича  
Ўз.ССР Давлат Комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.

**Эмин, Геворг.**

Йигирманчи аср: Шеърлар (Тупловчи Азим Суюн; Сузбоши Муҳаммад Алиники; Редкол.: Ҳ. Умарбеков (редкол. раҳбари) ва бошқ.). — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 112 б — («Дустлик кутубхонаси». СССР халқлари шеърляти.)

Атоқли арман шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати Геворг Эминнинг шеърлари XX аср кишисининг қиёфасини акс эттиради: бунёдкор, айна замонда ёрқин истиқбол учун курашувчи шахс, ҳаётга ошиқ бу инсон шеър мухлисларининг севимли лирик қаҳрамони бўлиб қолишига ишонамиз.

**Эмин, Геворг. Двадцатый век: Стихи.**

**С (Арм)**

И-4-11р45к.



30  
50 т.

Таниқли арман шоири Геворг Эмин 1919 йили  
туғилган. Унинг илк китоби — «Сўкмок боши»  
1940 йилда нашр этилган.



Геворг Эмин икки марта СССР Давлат муко  
ти билан тақдирланган.

